

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРМАНОВА ДИЛФУЗА АБДУҲАМИДОВНА

ЎЗБЕК ТИЛИ САТҲЛАРИДА МЎЪТАДИЛЛАШУВ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2022

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Нурманова Дилфуза Абдухамидовна Ўзбек тили сатҳларида мўътадиллашув.....	3
Nurmanova Dilfuza Abdukhamidovna Neutralization at the levels of Uzbek language.....	33
Нурманова Дилфуза Абдухамидовна Нейтрализация на уровнях узбекского языка	63
Эълон қилинган ишлар рўйхати List of published works Список опубликованных работ.....	69

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРМАНОВА ДИЛФУЗА АБДУҲАМИДОВНА

ЎЗБЕК ТИЛИ САТҲЛАРИДА МУЎТАДИЛЛАШУВ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2022

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида B2022.DSc/Fil403 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.fdu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Сайфуллаева Раъно Рауфовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Усмонова Хуринисо Шароповна
филология фанлари доктори, профессор

Розиқова Гулбахор Зайлобидиновна
филология фанлари доктори, доцент

Жуманазарова Гулжаҳон Умрзақовна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «26» декабрь соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Б. Маргиноний кўчаси, 105. Тел: манзил бўйича: (99873) 244-44-29; факс: (99873) 244-44-91; e-mail: fardu_info@umail.uz.

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (276 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел: манзил бўйича: (99873) 244-44-94.

Диссертация автореферати 2022 йил « 12 » 12 куни тарқатилди.
(2022 йил « 12 » 12 даги 67 рақамли реестр баённомаси).



Ш.М.Искандарова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

М.Т.Зокиров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филол. ф.н., доцент

А.Б.Мамажонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тилни тадқиқ этишда илмий парадигмаларнинг алмашинуви, яъни тавсифий характерга эга бўлган қиёсий-тарихий ёндашувнинг системавий-структур ёндашув билан алмашинуви ҳар қандай лисоний ҳодисанинг муайян унсурлардан ташкил топган бутунлик сифатида эътироф этилишига, ҳар бир лисоний бирликнинг структуравий жиҳатдан маълум сифат ва муносабатлардан иборат субстанция сифатида талқин қилинишига олиб келди. Натижада бутунлик сифатидаги ҳар бир лисоний бирликнинг ички структураси, уни ташкил этувчи элементлар ҳамда улар ўртасидаги муносабатларни тил ва нутқ призмасида ўрганишга катта эътибор қаратилди.

Дунё тилшунослигида ўрганилаётган объектга структур ёндашув натижасида лингвистик бирликлар бутунлик сифатида талқин этилган. Бутунлик таркибидаги унсурларнинг шу бутунликнинг мундарижасини белгилаши, лисоний бирликлар мундарижасининг фарқловчи ва бирлаштирувчи белгилар мажмуасидан ташкил топиши, лисоний бирлик мундарижасидаги фарқловчи ва фарқламайдиган (бирлаштирувчи) белгиларнинг бир лисоний бирликни иккинчисига зидлаш асосида аниқланиши эътироф этилган. Шунинг учун зиддият (оппозиция) тушунчаси систем тилшуносликда марказий ўринни эгаллайди. Тил системасида муайян зиддиятда бўлган икки лисоний бирлик нутқ жараёнида маълум шароитда зидланишга асос бўлган белгиларини йўқотиб, бир хил бўлиб қолиши мумкин. Маълум нутқий шароитда икки лисоний бирлик ўртасидаги зиддият белгиларининг йўқолиши мўътадиллашув саналади. Мўътадиллашув ҳодисасини белгилаш, унинг сабабларини аниқлаш систем тилшуносликда вариантларни (тажаллиларни) инвариантларга (зотга) тўғри бирлаштиришга ёрдам беради. Шунинг учун ҳар бир миллий тил кесимида лисоний бирликлар ўртасидаги зиддиятлар ва уларнинг мўътадиллашуви масаласини ёритиш долзарб ҳисобланади. Зеро, “Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир”¹.

Ўзбек тилшунослигида ҳам лисоний бирликларни диалектик фалсафа нуқтаи назаридан системавий таҳлил этишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбек тили фонологияси билан боғлиқ илмий тадқиқотларда фонологик зиддиятлар ва уларнинг мўътадиллашуви билан боғлиқ масалалар ҳам тадқиқотчиларнинг диққатини маълум даражада жалб қилган. Аслида, мўътадиллашув тилнинг барча сатҳлари учун хос бўлган универсал ҳодиса саналиб, у ҳар бир сатҳ бирликлари таҳлили мисолида монографик тадқиқот объекти бўлиши мумкин. Бу эса мазкур мавзунинг фақат ўзбек

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармони. Манба: <http://lex.uz/docs/4561730>

тилшунослиги учунгина эмас, балки умумий тилшунослик учун ҳам долзарб эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари; 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари, 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Диссертациянинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Жаҳон тилшунослигида лисоний бирликларнинг зиддияти ва маълум шароитда зидланиш белгиларини йўқотиб, мўътадиллашувини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Москва давлат университети (Россия), Прага тилшунослик мактаби (Чехия), Коппенгаген университети (Дания), Yale University, University of New York, Columbia University (АҚШ), Женева университети (Швейцария); Лейпциг университети (Германия), Cambridge University (Буюк Британия), Сибирь федерал университети (Россия), Москва давлат лингвистика университети (Россия), Новосибирск давлат университети (Россия), Саратов давлат университети (Россия), Baki Dövlət universiteti (Ozarbayjon), Xўжанд давлат университети (Тожикистон), шунингдек, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи google.scholar.com., ru.wikipedia.org, orfogrammka.ru, biblioclub.com, bigenc.ru, cheloveknauka.com, www.dissercat.com, vestnik.yspu.org, ru.m.wikipedia.org, ru.m.wiktionary.org, danafae.org, dslib.net, reseachgate, www.kaznu.kz, bloomsbury.com, www.utexas.edu, english.pku.edu.cn, www.lang.ox.ac.uk, www.bu.edu, micros.uz, www.uv.es, www.zora.uzh.ch, clea@snu.ac.kr, www.ras.ru, adwww.ecu.edu.au, www.sophia.ac.jp/eng; www.msu.ru; www.vsu.bu; www.education.ua/universities, www.navoiy-uni.uz, staff.tiame.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

университети, Андижон давлат университети, Фарғона давлат университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Дунё тилшунослигида лисоний бирликлар зиддияти ва уларнинг мўътадиллашуви тадқиқига оид изланишлардан қуйидаги илмий натижалар олинган: тил ва нутқ ҳодисаси фарқланган (Швейцария); фонологик мўътадиллашувлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган фонемаларнинг кучли ва кучсиз позициялари илк бор фарқланган (Москва фонология мактаби, Россия); зиддиятлар тасниф қилинган (Прага лингвистик тўғараги, Чехия), зиддиятлар таснифи мукаммаллаштирилган, фонологиянинг марказий тушунчаларидан бири сифатида баҳоланган (Москва фонология мактаби, Россия); фонологик сатҳда мўътадиллашув табиати очиб берилган (Москва фонология мактаби, Россия); мўътадиллашув фонетик ўзгаришларда тежамкорлик тамойилига асосланиши кўрсатиб берилган (Колумбия университети, Нью Йорк, АҚШ); мўътадиллашув ҳодисаси ассимиляция, диссимиляция, аккомодация сингари ёндош ҳодисалардан фарқланган (Москва давлат университети, Россия), мўътадиллашув тилнинг фақат фонологик системасидагина эмас, синтактик сатҳида ҳам амал қилиши рус тили материаллари мисолида ўрганилган (Тамбов университети, Россия); факультативлик ва мўътадиллашув муносабатларининг назарий асослари ёритилган (Хўжанд давлат университети, Тожикистон), синтактик бирликларнинг тасдиқ-инкор белгисига кўра мўътадиллашуви масаласи ўрганилган (Андижон давлат университети), ўзбек тилининг морфологик сатҳида олмошлар мўътадиллашувини юзага келтирувчи омиллар аниқланган (Алишер Навоий номидаги ТошДўТАУ), ўзбек тилининг лексик сатҳидаги зидланишлар ва айрим шароитда уларнинг мўътадиллашуви масаласи қисман ўрганилган (БухДУ, Алишер Навоий номидаги ТошДўТАУ), мўътадиллашувга ёндош ҳодиса бўлган синкретизм ва полифункционалликнинг назарий асослари ишлаб чиқилган (ФарДУ, АДУ).

Жаҳон замонавий тилшунослигида зиддиятлар, уларнинг тилнинг барча сатҳларидаги (фонологик, лексик, морфологик ва синтактик сатҳлардаги) кўринишлари, лисоний бирликлар ўртасидаги ана шу зиддиятларнинг маълум шароитда зидланиш белгиларини йўқотиб, мўътадиллашуви билан боғлиқ тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тилшуносликда бир сатҳга мансуб бўлган бирликлар умумий белгиларига кўра маълум парадигмага бирлашса, хусусий, яъни фарқловчи белгилари асосида ана шу парадигма тиркибида ўзаро зиддиятли муносабатда бўлиши масаласи ва маълум шароитда зиддият аъзолари ўртасидаги фарқловчи белгиларнинг ўхшаш бўлиб қолиши натижасида уларнинг мўътадиллашуви масаласи тил-нутқ дихотомияси асосида тадқиқ этилган. Бу муаммолар юзасидан Ф.де Соссюр³, Л.Блумфилд⁴, Бодуэн де Куртенэ⁵, Л.И.Богораз-Бухман⁶, Щерба Л.В.⁷,

³ Ф.де Соссюр. Труды по языкознанию. –М.: Прогресс, 1977. – 696 с.

⁴ Блумфилд Л. Язык. –М.: Прогресс, 1968. – 606 с.

⁵ Бодуэн де Куртенэ И.А. Некоторые отделы «Сравнительной грамматики» славянских языков. –Варшава: Типография М.Замкевича и В.Ноаковского, 1881. – 84 с.

Р.Якобсон⁸, Л.Ельмслев⁹, А.Мартине¹⁰, Н.Д.Арутюнова¹¹, Р.П.Афанасьева¹², Т.В.Булыгина¹³, В.К.Журавлев¹⁴, В.М.Бельдиян¹⁵, Е.Курилович¹⁶, В.Солнцев¹⁷, Н.С.Трубецкой¹⁸, А.А.Реформатский¹⁹, Р.И.Аванесов²⁰, В.Касевич²¹, Е.Кржишкова²², Н.Гвишиани²³, В.Бабайцева²⁴, А.М.Мухин²⁵, Ю.В.Филимонова²⁶, О.Денисова²⁷, Э.Симз²⁸, Е.В.Крылова²⁹, В.Г.Руделев³⁰, Е.А.Шпилова³¹, И.К.Носова³², В.И.Петрянкина³³, Э.М.Попова³⁴, Ю.В.Филимонова³⁵ лар томонидан жиддий тадқиқотлар олиб борилди.

⁶ Богораз-Бухман Л.И. О нейтрализации и архифонеме в связи с согласными русского языка. / Проблемы структурной лингвистики. –М.: АН СССР, 1963. –С. 153-163.

⁷ Щерба Л.В. Русские гласные в качественном и количественном отношении. –М.: Наука, 1983. – 155 с.

⁸ Якобсон Р. Избранные работы. – М.: Прогресс, 1985. – 460 с.

⁹ Ельмслев Л. Прологомены к теории языка. – М.: КомКнига, 2006. – С.108.

¹⁰ Мартине А. Нейтрализация и синкретизм. // Вопросы языкознания. – 1969. –№ 2. –С. 96-109.

¹¹ Арутюнова Н.Д. О минимальной единицы грамматической системы. // Единицы разных уровней грамматического строя и их взаимодействие. –М.: Наука, 1969. –С.27-45.

¹² Афанасьева Р.П. Процессы нейтрализации в семантико-грамматических классах глагола. // Теория нейтрализации. –Тамбов: ТГПИ, 1980. –С.46-53.

¹³ Булыгина Т.В. О нейтрализации семантических оппозиций. //Единицы разных уровней грамматического строя и их взаимодействие. –М.: Наука, 1969. –С.310-316.

¹⁴ Журавлев В.К. Нейтрализация. //Языкознание. Большой энциклопедический словарь. –М.: Большая Российская энциклопедия, 1998. –С.328-329.; Журавлев В.К. К проблеме нейтрализации фонологических оппозиций. // ВЯ. – 1972. – №3. –С.36-49.

¹⁵ Бельдиян В.М. Звуковая система современного русского языка и вопросы нейтрализации фонем: Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. –М., 1968. – 16 с.

¹⁶ Курилович Е. Лингвистика и теория знака. // Очерки по лингвистике. – М.: Иностранная литература, 1962. – 456 с.

¹⁷ Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М.: Наука, 1971. – 291 с.

¹⁸ Трубецкой Н.С. Основы фонологии. –М.: Иностранная литература., 1960. – 272 с.; Трубецкой Н.С. Основы фонологии. 2-е издание. –М.: Аспект пресс, 2000. – 352 с.

¹⁹ Реформатский А.А. О нейтрализации оппозиций. / Лингвистика и поэтика. – М.: Наука, 1987. –С.87-90.

²⁰ Аванесов Р.И. Фонетика современного русского литературного языка. –М.: Изд-во МГУ, 1956. – 240 с.

²¹ Касевич В.Б. Элементы общей лингвистики. – М.: Наука, 1977. – 181 с.

²² Кржишкова Е. О понятии нейтрализации. //Единицы разных уровней грамматического строя и их взаимодействие. –М.: Наука, 1969. –С.289-291.

²³ Гвишиани Н. Полифункциональные слова в языке и речи. – М.: Высшая школа, 1979. – 199 с.

²⁴ Бабайцева В. Явление переходности в грамматическом строе русского языка. – М.: Дрофа, 2000. – 638 с.

²⁵ Мухин А.М. Понятие нейтрализации и функциональные лингвистические единицы. // ВЯ. –1961. –№ 5. –С.53-61.

²⁶ Филимонова Ю.В. О нейтрализации нормативных грамматических единиц. //Ярославский педагогический вестник. –1999. –№3 (21). –С.69-74.

²⁷ Денисова О.И. Вертикальный синкретизм в языке и речи (фонетический и лексический уровни). – Ростов н/Д.: Фонд науки и образования, 2016. – 134 с.

²⁸ Sims A.D. Syncretism (an example of a form-meaning mismatch). –The Ohio State University, 2017. – 42 p.

²⁹ Крылова Е.В. Грамматические оппозиции в системе форм на в современном английском языке и их нейтрализация: Автореф.дисс. ...канд.филол.наук. –М., 1978. – 20 с.

³⁰ Руделев В.Г.. Теория нейтрализации и классификация оппозиций (на материале русского языка). // Проблемы структурной лингвистики. –М.:Наука, 1972. – С. 131-140.; Руделев В.Г. Теория нейтрализации. Некоторые результаты. Перспективы развития. //Теория нейтрализации. –Тамбов: ТГУ, 2002. – 183 с.

³¹ Шпилова Е.А. Нейтрализация в системе простого и сложного предложений. // Вестник ТГУ, вып. 10 (54), 2007. –С. 63-66.

³² Носова И.К. Нейтрализация оппозиции адъективного класса в современном русском языке. / Теория нейтрализации. –Тамбов, 1980. – С. 70-81.

³³ Петрянкина В.И. К вопросу об интонационных единицах и их нейтрализации. / Функциональная просодия текста. Вып. 201. –М.: МГПИИЯ, 1982. – С. 167-179.

³⁴ Попова Э.М. Нейтрализация семантических противопоставлений в системе способов глагольного действия: Дисс. ...канд.филол.наук. –Симферополь, 1980. – 168 с.

³⁵ Филимонова Ю.В. Системное исследование нейтрализации как явления языковой нормы в современном русском языке: Дисс. ...канд.филол.наук. –Ярославль, 2000. – 210 с.

Ўзбек тилшунослигида ҳам лисоний зиддият ва мўътадиллашув масаласига алоқадор бир қатор тадқиқотлар майдонга келди. Жумладан, ўзбек тили фонетикаси ва фонологиясига оид А.Нурмонов, А.Абдуазизов, С.Отамирзаева, Э.Умаров, Д.Набиеваларнинг³⁶; ўзбек тилининг морфемик сатҳига оид Ё.Тожиев, Т.Мирзакуловларнинг³⁷; тилнинг лексик системасига доир М.Миртожиев, Э.Бегматов, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, А.Собиров, Ш.Искандарова, С.Муҳамедова, Г.Қобулжоновларнинг³⁸; морфологияга оид А.Ҳожиев, Ж.Элтазаров, Ш.Шахабитдинова, З.Қодировларнинг³⁹; синтактик сатҳга оид Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, Р.Сайфуллаев, Ф. Убаева, Р.Сайфуллаева, А.Бердиалиев, А.Мамажонов, М.Маматов, С.Маҳматқулов, Г.Розиқова, Д.Лутфуллаева, М.Қурбонова, Ҳ.Усмонова, М.Холбоева, М. М.Абдупаттоевларнинг⁴⁰; лингвистик бирликларнинг прагматик

³⁶ Нурмонов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – 456.; Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 188 б.; Отамирзаева С. Унли товушларнинг талқини борасида. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1996. № 2. – Б. 52-56; Умаров Э. Ўзбек тилида тил олди товушлари борми? // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1994. № 4. – Б. 6-12; Набиева Д.А. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. – Тошкент: Шарқ, 2005. – 166 б.

³⁷ Мирзакулов Т.Ў. Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масалалари: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 42 б.; Тожиев Ё. Ўзбек тилида аффиксал синонимия: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 1992. – 48 б.

³⁸ Кўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Тошкент: Фан, 1977. – 167 б.; Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент: Фан, 1984. – 135 б.; Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – 200 б.; Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 128 б.; Шамсиддинов Ҳ. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 46 б.; Собиров А.Ш. Ўзбек тили лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 50 б.; Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндашув. – Тошкент: Фан, 2007. – 152 б.; Муҳамедова С.Х. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 48 б.; Қобулжонова Г.К. Метафоранинг системавий лингвистик талқини: Филол. фанлари номз. ... диссертацияси. – Тошкент, 2000. – 134 б.

³⁹ Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Тошкент: Фан, 2010. – 256 б.; Шахабитдинова Ш.Ҳ. Умумийлик-хусусийлик диалектикаси ҳамда унинг ўзбек тили морфологиясида акс этиши: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – 50 б.; Элтазаров Ж.Д. Ўзбек тилида сўз туркумланининг ўзаро алоқаси ва кўчиши: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 42 б.; Қодиров З.М. Ўзбек тили грамматик категорияларининг систем тадқиқи. 1-қисм. – Тошкент: Innovatsiya-Ziyo, 2021. – 102 б.

⁴⁰ Нурманов А. Сигнификативная оппозиция синтаксических конструкций по признаку «утвердительность-отрицательность» (на материале узбекского языка): Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 1983. – 42 с.; Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – 147 б.; Сайфуллаев А.Р. Семантика и грамматика членов предложения в современном узбекском языке: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 2001. – 48 с.; Сайфуллаев А.Р. Ҳозирги ўзбек тилида гап бўлақларининг семантикаси ва грамматикаси. – Тошкент: Фан, 2000. – 128 б.; Убаева Ф. Ҳол категорияси. – Тошкент: Фан, 1971. – 146 б.; Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек тилида кўшма гапларнинг субстанциал (зотий) талқини. – Тошкент: Фан, 2007. – 255 б.; Қурбонова М. Ўзбек тилшунослигида формал-функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг талқини: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – 51 б.; Бердиалиев А. Ўзбек тилида омоним модели эргаш гапли кўшма гаплар. – Тошкент: Фан, 1993. – 111 б.; Лутфуллаева Д.Э. Гапнинг семантик-синтактик қурилиш қолипи ва пропозитив структураси ўртасидаги муносабат (ўзбек тилидаги йўқлик-мавжудлик белгилари асосида зидланувчи гаплар мисолида): Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 47 б.; Усмонова Ҳ.Ш. Ўзбек тилидаги гап бўлақларининг позиция структураси: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 34 б.; Мамажонов А. Стилистические особенности сложных предложений современного узбекского литературного языка: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 1991. – 59 с.; Маматов М.Ш. Вторичный предикат в структуре простого предложения узбекского языка: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 1990. –

хусусиятларига оид Ш.Сафаров, У.Раҳимов, М.Ҳакимов, С.Боймирзаеваларнинг⁴¹ ишлари ана шундай изланишлардан бўлиб, улар ўзбек тилида мўътадиллашув ҳодисаси ва унга олиб келувчи ҳолатларни тадқиқ қилишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Булардан ташқари, А.Нурмонов томонидан ўзбек тилининг синтактик конструкцияларида тасдиқ-инкор зидланишларининг мўътадиллашуви масаласи, О.Эшонқулов томонидан ўзбек тилининг морфологик сатҳида олмошлар зиддиятининг мўътадиллашуви масаласи ўрганилган⁴².

Шунга қарамай, ўзбек тилшунослигида бир парадигмага оид бирликларнинг ўзаро зиддияти ва маълум шароитда ана шу зиддият белгиларининг йўқолиб, мўътадиллашуви ҳолатлари барча сатҳлар доирасида монографик планда ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети Ўзбек тилшунослиги кафедрасининг “Замонавий тилшуносликнинг долзарб муаммолари” йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тили системасида лингвистик бирликларнинг парадигматик муносабати ва синтагматикада парадигма аъзоларининг фарқловчи белгиларини йўқотиб, бир хил бўлиб қолиши ҳолатларини ёритиб бериш ва унинг сабабларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мўътадиллашув ҳодисасининг мақомини белгилаш;
мўътадиллашувга олиб келадиган шарт-шароитларни аниқлаш;
мўътадиллашувга ёндош ҳодисаларни аниқлаш ва уларнинг ўхшаш ҳамда фарқли томонларини ёритиш;

мўътадиллашувнинг тилнинг барча сатҳига хос бўлган универсал ҳодиса эканлигини очиқ бериш;

ўзбек тилининг фонологик сатҳида мўътадиллашув ва мўътадиллаштирувчи воситаларни тадқиқ этиш;

ўзбек тилининг морфологик сатҳидаги мўътадиллашув ҳодисасини тадқиқ этиш ва унга олиб келувчи шарт-шароитларни аниқлаш;

ўзбек тилининг синтактик сатҳидаги мўътадиллашувни тавсифлаш.

Тадқиқот объектини ўзбек тилидаги мўътадиллашувга берилувчи лисоний бирликлар ташкил этади.

41 с.; Маҳматқулов С. Ўзбек тилида предикатив синтагманинг трансформацияланиши: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 50 б.; Мамажонов А., Розикова Г. Гапларнинг шаклий ва мазмуний тузилишига кўра турлари. – Фарғона: ФДУ, 2004. – 119 б.; Холбоева М. Тобе муносабатли қўшма гаплар семантикаси. – Тошкент: Академнашр, 2011. – 70 б.; Абдупаттоев М.Т. Ўзбек тилининг поэтик синтаксиси. Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Фарғона, 2021. – 77 б.

⁴¹ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 300 б.; Ҳакимов М.Х. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – 49 б.; Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар. Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – 48 б.; Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси. Филол. фан.номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – 24 б.

⁴² Д.Лутфуллаева, О.Эшонқулов. Лисоний зиддият ва нейтраллашув. – Тошкент: Наврўз, 2018. – 109 б.

Тадқиқот предмети лисоний бирликлар ўртасидаги зиддиятли муносабатлар ва бу зиддиятларнинг муайян шароитда кучсизланиши – мўътадиллашуви ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда зидлаш, трансформация, дистрибуция, тавсифлаш, таснифлаш, функционал-семантик, систем, компонент таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ишда оламни ўзаро зиддиятли хусусиятга эга бўлган, бир-бирини тақозо этувчи элементлар ўртасидаги муносабатлардан ташкил топган нисбий бутунлик сифатида эътироф этувчи диалектик фалсафа ва унинг қонуниятларига таянган ҳолда, ўзбек тили материаллари асосида лисоний зиддиятлар аниқланган;

ўзбек тилидаги икки лисоний бирлик ўртасидаги зиддиятга асос бўлувчи белгиларнинг мулоқот жараёнида муайян нутқий шароитда кучсизланиши – мўътадиллашуви асосланган, мўътадиллашув мақоми белгиланган. Ўзбек тилида зиддиятлар мўътадиллашувини юзага келтирувчи воситалар тавсифланган ҳолда, мўътадиллашув ва унга ёндош ҳодисаларнинг ўхшаш ҳамда фарқли томонлари ёритилган;

тил системасининг изоморфик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, мўътадиллашувнинг тилнинг барча сатҳига оид универсал ҳодиса эканлиги исботланган. Ўзбек тилининг фонологик бирликлари ўртасидаги зиддиятга асос бўлувчи белгилар аниқланиб, ушбу белгиларнинг мўътадиллашувига сабаб бўлувчи омиллар ва воситалар тавсифланган;

ўзбек тилининг морфологик системасида морфологик бирликлар ўртасидаги зиддиятлар мўътадиллашуви синтетик шакллар, аналитик шакллар, синтетик ва аналитик шакллар таҳлили мисолида тизимли тадқиқ этилган;

ўзбек тилининг синтактик сатҳидаги мўътадиллашув содда гаплар ўртасидаги, қўшма гаплар ўртасидаги ҳамда содда ва қўшма гаплар ўртасидаги зиддиятларнинг кучсизланиши мисолида батафсил ёритилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

диалектик фалсафанинг умумийлик ва хусусийлик, моҳият ва ҳодиса, имконият ва воқелик категорияларига асосланган ҳолда, лисоний бирликлар ўртасидаги зиддиятлар аниқланган ҳамда нутқий воқеланиш жараёнида уларнинг мўътадиллашуви кўрсатиб берилган;

зиддият аъзолари ўртасидаги зидланиш белгиларининг мўътадиллашиш шароити ва омиллари ўзбек тили материаллари асосида тавсифланган, мўътадиллашув мақоми белгиланган;

мўътадиллашувнинг тилнинг барча сатҳига оид универсал ҳодиса эканлиги ўзбек тилининг фонологик, морфологик ва синтактик бирликлари ўртасидаги зиддиятларнинг кучсизланиши мисолида асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги материалларнинг тил табиатидан келиб чиқиб, ҳулосалар қилинганлиги, уларнинг асосли эканлиги, методологик мукамаллиги, мўътадиллашувнинг тил системасининг фонологик, морфологик ва синтактик сатҳларида бирдек амал қилувчи

универсал ҳодиса эканлигининг лингвистик асосларини ишлаб чиқишда амалий манбаларга асослангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ишнинг илмий аҳамияти шундаки, диссертация натижалари, хусусан, ҳар бир лисоний бирликнинг маълум белгилар ва муносабатлар мажмуасидан ташкил топган зот (инвариант) эканлиги, бу зот бевосита кузатиш жараёнида турлича вариантларда тазоҳирланиши, тил системасининг фонологик, морфологик ва синтактик сатҳларида амал қилувчи мўтадиллашувнинг диалектик фалсафа ва унинг қонуниятлари асосидаги тадқиқи систем тилшунослик ривожига муайян даражада ҳисса қўшади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда амалга оширилган таҳлиллар олий ўқув юртлари филология факультетларида ўзбек тилининг назарий грамматикаси, тилшунослик назарияси, фонетика, фонология ва морфонология, морфология ҳамда синтаксис курслари бўйича дарслик, ўқув қўлланма ва дастурлар тайёрлашда, танлов фанларини ўқитишда манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тилида парадигма аъзолари ўртасидаги зиддиятлар, хусусан фонологик, морфологик ва синтактик сатҳ бирликлари ўртасидаги зиддиятлар ва уларнинг мўтадиллашуви ҳамда мўтадиллашувга олиб келувчи шарт-шароитларни тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

оламнинг ўзаро зиддиятли хусусиятга эга бўлган, бир-бирини тақозо этувчи элементлар ўртасидаги муносабатлардан ташкил топган нисбий бутунлик эканлиги ва лисоний зиддиятлар таҳлили юзасидан берилган хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузурида бажарилган ОТ-Ф1-78 – “Ҳозирги глобаллашув даврида ўзбек тили, унинг тарихий тараққиёти ва истиқболлари (вазифавий услублар таҳлили асосида)” мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг 2022 йил 22 сентябрдаги 113-сон маълумотномаси). Натижада назарий фикрлар “Ўзбек тили услубшунослиги” ўқув қўлланмасини яратишда ҳамда “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”нинг тузатилган, тўлдирилган вариантыни тайёрлашда манба бўлиб хизмат қилган;

ўзбек тилида икки лисоний бирлик ўртасидаги зиддиятга асос бўлувчи белгиларнинг мулоқот жараёнида муайян нутқий шароитда кучсизланиши мўтадиллашувга олиб келишига оид илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Миллий университети қошидаги ПЗ-201709134 "Марказий Осиёда тарихий маданий вилоятларнинг шаклланиши ва этник географияси муаммолари" мавзусидаги фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 2022 йил 17 сентябрдаги 04/11-5343 сон маълумотномаси). Натижада географик объектларни ифодаловчи лисоний бирликлар шаклий структурасининг ўзгаришига сабаб бўлувчи ҳамда уларнинг

вариантланишига олиб келувчи омилларни тушунтиришда фонологик оппозициялар мўтадиллашувига эътибор қаратилган; этноним ҳамда этнотопонимларнинг мазмуний ва шаклий структурасидаги ўзгаришлар морфологик бирликлар мўтадиллашуви асосида далилланган; маданий вилоятларнинг шаклланишида ижтимоий муносабатларнинг ролини кўрсатишда тил сиёсати ва оммавий лисоний саводхонлик масалалари грамматик зиддиятлар ва уларнинг нутқ жараёнида мўтадиллашувига асосида ёритиб берилган;

тил системасининг изоморфик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, мўтадиллашувнинг тилнинг барча сатҳига оид универсал ҳодиса эканлиги, ўзбек тилининг фонологик бирликлари ўртасидаги зиддиятга асос бўлувчи белгилар, ушбу белгиларнинг мўтадиллашувига сабаб бўлувчи омиллар ва воситаларни тавсифлаш бўйича берилган хулоса ва таклифлардан Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиали томонидан олиб борилган ФЗ-2016-0908165532-рақамли “Қорақалпоқ тилининг янги алфавит ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётини ривожлантириш методикаси” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2022 йил 19 сентябрдаги 245-сон маълумотномаси). Натижада назарий фикрлар лисоний бирликларни система сифатида ўрганишда, лисоний зиддиятлар, уларнинг мўтадиллашувига олиб келувчи шарт-шароитларни ёритишда, тил системасининг турли сатҳларидаги зиддиятлар ва уларнинг мўтадиллашувини аниқлашда; унли ва ундош фонемаларни таснифлашда, уларнинг муҳим ва номуҳим белгиларини аниқлашда асосли ва тизимли хулосалар чиқаришга ёрдам берган;

ўзбек тилининг морфологик системасида морфологик бирликлар ўртасидаги зиддиятлар мўтадиллашувининг синтетик шакллар, аналитик шакллар, синтетик ва аналитик шакллар таҳлили мисолида тизимли тадқиқ этилишига доир амалий таклифлардан ва ишнинг назарий хулосаларидан Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиали томонидан олиб борилган ХТ-Ф2-011 “Қорақалпоқ тилини ўқитишни такомиллаштиришнинг назарий-услубий асосларини комплекс тадқиқ этиш ва концепциясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги ҳамда “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал лойиҳани амалга ошириш жараёнида фойдаланилган (Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2022 йил 19 сентябрдаги 24/1-сон маълумотномаси). Натижада назарий фикрлар лисоний зиддиятлар, уларнинг мўтадиллашувига олиб келувчи шарт-шароитларни ўрганишда; тил системасининг морфемик сатҳидаги зидланишларни, хусусан деривацион морфемалар зидланишини аниқлашда; сўз ясалиши жараёнида морфемалар чокида зиддият аъзоларининг зидланиш белгиларини йўқотиб,

мўтадиллашувини аниқлашда асосли ва тизимли хулосалар чиқаришга ёрдам берган;

Ўзбек тилининг фонологик бирликлари ўртасидаги зиддиятга асос бўлувчи белгиларнинг мўтадиллашувига сабаб бўлувчи омиллар ва воситаларнинг тавсифига доир хулоса ҳамда тавсиялардан “Ҳозирги ўзбек тили” дарслиги материалларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 31 августдаги 04/1-2404-сон маълумотномаси). Натижада мазкур дарсликнинг “Лисоний зиддият ва унинг асосий турлари”, “Унли ва ундош фонемаларнинг ўзига хос ва фарқли томонлари”, Фонемаларнинг вариантлашуви” мавзулари назарий жиҳатдан такомиллашган;

Ўзбек тилининг синтактик сатҳидаги мўтадиллашув содда гаплар ўртасидаги, қўшма гаплар ўртасидаги ҳамда содда ва қўшма гаплар ўртасидаги зиддиятларнинг кучсизланиши натижасида юзага келиши бўйича берилган хулоса ва таклифлардан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузурида Давлат илмий-техника дастурлари доирасида 2014-2017 йилларда бажарилган ИТД-1 рақамли “Маданиятлараро ва коммуникатив ёндашув нигоҳида магистратура мутахассислиги (инглиз тили) бўйича назарий фанлардан инглиз тилида дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш ва ўзбекча-инглизча-русча лингвистик терминлар луғатини тузиш” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 2022 йил 23 сентябрдаги 24/601 сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида чоп этилган “Ўзбекча-инглизча-русча лингвистик терминлар изоҳли луғати” ҳамда “Бадиий матн стилистикаси”, “Лингвомаданиятшунослик” ўқув қўлланмаларининг мазмуни мукаммаллашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 29 та илмий иш нашр этилган, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 12 та илмий мақола, улардан 3 таси хорижий журналларда чоп қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 222 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари

ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Лисоний зиддиятлар ва уларнинг мўътадиллашуви**” деб номланади. Маълумки, мўътадиллашув ҳодисаси бевосита зиддиятлар билан боғлиқ. Зиддият бўлмаган жойда мўътадиллашув ҳам бўлмайди. Лисоний бирликлар умумий белгилари асосида бир парадигмага бирлашса, парадигма ичида хусусий белгилари билан ўзаро зиддиятли муносабатда бўлади. Маълум шароитда ана шу зиддият белгиларининг кучсизланиши натижасида мўътадиллашув юз беради. Кўринадики, мўътадиллашув ҳодисаси умумийлик-хусусийлик, имконият-воқелик, моҳият-ходиса, инвариант-вариантлик каби диалектик категориялар билан бевосита боғлиқ. Биринчи бобнинг «**Зиддиятлар мўътадиллашувининг фалсафий асослари**» номли биринчи фаслида ана шулар ҳақида маълумот берилади.

Биринчи бобнинг “**Парадигма аъзолари ўртасидаги зиддиятларнинг таснифи**” деб номланган иккинчи фаслида мўътадиллашув учун муҳим аҳамиятга эга бўлган зиддиятлар ва уларнинг таснифи масаласи ёритилган.

Н.С.Трубецкой зиддиятларни қуйидаги белгилар асосида тасниф этади:

1. Зиддиятлар системасига муносабатига кўра. 2. Зидланувчи аъзолар муносабатига кўра. 3. Фарқлаш кучига кўра.

Биринчи белгига кўра зиддиятлар икки гуруҳга бўлинади: 1) дименсионаллигига кўра (квалитативный критерий); 2) қўлланиш даражасига кўра (квантитативный критерий). Дименсионаллигига кўра бир ўлчовли ва кўп ўлчовли зиддиятларга, қўлланиш даражасига кўра эса ажралган ва пропорционал зиддиятларга бўлинади⁴³. Биз ҳам диссертацияда зиддиятларни ана шу таснифга асосланган ҳолда гуруҳладик.

Зидланувчи аъзолар ўртасидаги муносабатга кўра зиддиятлар приватив, градуал (босқичли) ва эквиполент (тенг ҳуқуқли) турларга бўлинади.

Маъно фарқлаш кучига кўра доимий ва мўътадиллашган зиддиятларга бўлинади. Зиддиятларнинг юқоридагича бўлиниши тил системасининг аниқ вазиятда функциялашувига асосланади.

Тил системасидаги зиддият аъзолари нутқ жараёнида бутун ичида синтагматик муносабатга киришганда, зиддиятга асос бўлган белгини сақлаб қолиши ҳам мумкин. Шунга кўра зиддиятлар доимий ва мўътадиллашган зиддиятларга бўлинади.

Далиллар шуни кўрсатадики, мўътадиллашув ҳолатида зидланувчи аъзоларнинг ўзига хос белгилари йўқолади, ҳар икки аъзо учун умумий бўлган бирлаштирувчи белгилар эса сақланиб қолади. Демак, ҳар қандай зиддият ҳам мўътадиллашавермайди. Мўътадиллашув учун энг берилувчан зиддият бир ўлчовли зиддият саналади.

⁴³ Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – М.: Иностранная литература., 1960. –С.115.

Биринчи бобнинг “**Лисоний зиддиятлар мўътадиллашуви**” деб номланган учинчи фаслида мўътадиллашув ва унга олиб келувчи шарт шароитлар ҳақида фикр юритилади.

Мўътадиллашув (нейтрализация – лотинча *neuter* – у ҳам, бу ҳам эмас, бетараф)⁴⁴ икки реалликнинг муайян шароитда ўзаро фарқли белгиларининг кучсизланишидир. Бу тушунча дастлаб фақат фонологик сатҳ бирликлари учун қўлланилди. Фонемалар ўртасидаги фарқли белгиларнинг йўқолиши мўътадиллашув дейилди. Фонологияда эътироф этилган бу тушунча кейинчалик тилнинг бошқа сатҳ бирликлари учун ҳам қўлланила бошланди⁴⁵.

Лисоний бирликлар зиддиятининг мўътадиллашуви дастлаб тил системасининг фонологик сатҳида ўрганилганлиги учун бу тушунчани эътироф этиш ва этмаслик фонологик мактабларнинг фонемани қандай талқин қилишларига боғлиқ. Шу боис диссертацияда мўътадиллашув тушунчасини талқин қилувчи турли фонологик назариялар ҳақида маълумот берилган.

Биринчи бобнинг “**Мўътадиллашувга ёндош ҳодисалар**” деб номланган тўртинчи фаслида мўътадиллашув ва унга ёндош бўлган дивергенция, конвергенция, ассимиляция, диссимиляция, аккомодация, транспозиция, конверсия, синкретизм, амфиболия, факультативлик каби ҳодисалар ўртасидаги ўхшаш ҳамда фарқли томонлар ёритилган. Мўътадиллашув ҳамда дивергенция ва конвергенция ҳодисалари бир-бирига ўхшайди. Уларнинг ўхшашлиги шундаки, ҳаммаси ҳам ўзаро зидланувчи икки бирлик муносабатига асосланади. Мўътадиллашув билан дивергенция синхрония ёки диахронияга мансублиги билан фарқ қилади. Мўътадиллашув синхронияга оид бўлиб, муайян нутқий жараёнда рўй берса, дивергенция диахронияга оид бўлиб, тил ситемасида амал қилади. Шунини таъкидлаш жоизки, конвергенция, албатта, мўътадиллашув орқали рўй беради.

Транспозиция (лотинча *transpositio* – “қайта жойлаштириш”)⁴⁶ тилнинг морфологик, синтактик ва деривацион системалари учун хос ҳодиса бўлиб, мўътадиллашув билан чамбарчас боғлиқ. Боғлиқлиги шундаки, транспозиция кўп ҳолларда мўътадиллашув учун йўл очиб беради. Масалан, *У энгил табассум қилиб, онасига қаради.* Мазкур гапда *енгил табассум қилиб* равишдош ўрама *енгил табассум қилди* предикатив бирлигининг нопредикатив бирликка транспозицияси натижасида вужудга келган. Натижада аслида қўшма гап бўлган синтактик қурилма равишдош ўрам билан мураккаблашган содда гапга айланган. Солиштирайлик: *У энгил табассум қилди ва онасига қаради.* // *У энгил табассум қилиб, онасига қаради.* Бу ўринда содда ва қўшма гап зиддияти юзага келган. Тилда транспозиция натижасида ана шундай эркин алмашиш дистрибуцияси муносабатида бўлган икки синтактик бирликдан нутқий вазиятда фақат

⁴⁴ <https://ru.m.wikipedia.org>. (Мурожаат санаси: 12.06.2022).

⁴⁵ Нурмонов А. Нейтрализация оппозиций лингвистических единиц по признаку утвердительности-отрицательности. // Советская тюркология, 1984. – № 3. – С. 56.

⁴⁶ ru.m.wikipedia.org. (Мурожаат санаси: 12.06.2022).

бирининг юзага чиқишидан вариант ҳосил бўлади ва бу, албатта, мўтадиллашув натижасидир.

Ишнинг иккинчи боби “Мўтадиллашув тил системасининг универсал ҳодисаси сифатида. Фонологик сатҳда мўтадиллашув” деб номланади. Мазкур бобнинг “Тил сатҳида фонологик зиддиятлар мўтадиллашуви” деб номланган биринчи фаслида тил сатҳидаги фонологик зиддиятлар мўтадиллашувининг турлари ҳақида фикр юритилади.

Фонологик зиддиятлар мўтадиллашуви ҳодисасини В.К.Журавлёв изидан бориб, қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Мўтадиллашувчи қисмлар хусусиятига кўра. 2. Мўтадиллашувчи позиция хусусиятига кўра. 3. Мўтадиллашув хусусиятига кўра. 4. Мўтадиллашув даражасига кўра. 5. Реал борлиққа муносабатига кўра.

1. Мўтадиллашувчи қисмлар хусусиятига кўра мўтадиллашувнинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин: а) бир ўлчовли ва приватив зиддият аъзоларининг мўтадиллашуви. Масалан, *суд-сут, боб-бон* сўзларидаги *б-п, д-т* ундошлари зиддиятининг мўтадиллашуви шу турга мансубдир; б) кўп ўлчовли ва приватив бўлмаган (градуал ва эквиполент) зиддият аъзоларининг мўтадиллашуви. Масалан, иккинчи ва ундан сўнгги бўғинларда *о:а* зиддияти йўқолади: *қўчқор//қўчқар; тахмон//тахман* ва бошқалар. Бунда *о:а* унлилари икки белгисига кўра, яъни тилнинг кўтарилиш даражаси ва лабларнинг иштирокига кўра зидланади.

Туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида ундошлар учун кучсиз позиция сўзнинг охириги позицияси саналади. Мўтадиллашув ҳодисаси, асосан, ана шу позицияда рўй беради. Бундай хусусият кўпроқ коррелятив ундошлар учун хосдир. Коррелятив бўлмаган ундошларда эса бундай ҳодиса, деярли, учрамайди.

2. Мўтадиллашувчи позиция хусусиятига кўра мўтадиллашув бир қанча турларга бўлинади. Бунда қуйидаги жиҳатлар тасниф асоси бўлиши мумкин: 1) мўтадиллашувга шароит яратадиган фонеманинг мўтадиллашиш ўрни; 2) товушлар занжирида мўтадиллашувнинг йўналиши; 3) мўтадиллашув позициясининг таъсир хусусияти.

Мўтадиллашувга шароит яратадиган фонеманинг мўтадиллашиш ўрнига кўра контакт ва дистант мўтадиллашув ажратилади. Контакт мўтадиллашув, асосан, ундошлар учун хос бўлиб, дистант мўтадиллашувга нисбатан кўп учрайди. Масалан, интервокал позицияда ҳамда сонор олди позициясида ундошларнинг жарангли-жарангсизлик белгисига кўра мўтадиллашуви контакт мўтадиллашув ҳисобланади.

Дистант мўтадиллашув кўпроқ унлилар учун хос бўлиб, агглютинация жараёнида рўй беради. Бунга мувофиқ аффикслар таркибидаги унлиларнинг юмшоқ-қаттиқликка кўра зиддияти ўзак таркибидаги унлининг юмшоқ-қаттиқлигига кўра мувофиқлашади.

Товушлар занжирида мўтадиллашув йўналишига кўра прогрессив ва регрессив мўтадиллашувга бўлинади. Мўтадиллашувчи позициядан олдин руй берадиган фонемалар зиддиятининг мўтадиллашуви прогрессив

мўтадиллашув ҳисобланади. Масалан, *юрасти (юрарди)*. Аксинча, мўтадиллашувчи позициядан сўнг рўй берадиган фонемалар зиддиятининг мўтадиллашуви регрессив мўтадиллашув саналади: Масалан, *қочди-қочти, ёпган-ёпкан* ва бошқалар.

Мўтадиллашув позициясининг таъсир хусусиятига кўра мўтадиллашув ассимилятив ва диссимилятив мўтадиллашувга бўлинади.

Ассимилятив мўтадиллашувда йўл очувчи фонема мўтадиллашаётган зид фонемалар белгиси билан бир хил белгига эга бўлиб қолади. Масалан, жарангли-жарангсиз фонемалардан акустик жиҳатдан ижобий белгига эга бўлган жарангли фонеманинг жарангсиз билан мўтадиллашуви ёки, аксинча, умумий белги иштирок этмаган жарангсиз фонеманинг жарангли билан мўтадиллашуви мумкин. Масалан, *изсиз-иссиз*.

Диссимилятив мўтадиллашувда мўтадиллаштирувчи позициянинг ижобий белгиси мўтадиллашув шароитида салбий белгиси билан алмашинади. Масалан, Андижон шевасида *борастим (борардим), келастим (келардим)*.

3. Мўтадиллашувни характериға кўра қуйидаги турларға бўлиш мумкин: 1) сўз структураси билан мувофиқлашган структур мўтадиллашув; 2) контекст билан боғлиқ бўлган контекстуал мўтадиллашув; 3) структур-контекстуал мўтадиллашув.

Структур мўтадиллашувга сўз бўғинларининг сўз урғусига нисбатан муносабати, бўғиннинг архитектоникаси билан боғлиқ бўлган мўтадиллашувлар киради.

Туркий тиллар урғу тушиш ўрниға кўра боғли, урғу хусусиятиға кўра динамик урғули тилларға киради. Кўп бўғинли сўзларда урғу сўзнинг охири бўғиниға тушади. Биринчи бўғинда эса бўғин тузилиши бузилиб кетмаслиги учун иккинчи даражали урғу сақланиб қолади. Иккинчи бўғин урғусиз бўғинға айланади. Шунинг учун ҳам сўзнинг бу бўғинида унлилар лабланиш белгисига кўра, компактлик-диффузлик белгисига кўра мўтадиллашиши мумкин. Масалан, *қусур+и – қусури, қулун+им – қулим* ва бошқалар.

Икки бўғинли сўзларда биринчи бўғин урғусиз бўлади. Бу эса биринчи бўғинда ҳам унлилар талаффузи учун кучсиз позицияни ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам бу шароитда унлиларнинг компактлик-фиффузлик, лабланиш белгисига кўра мўтадиллашувига имкон яратилади. Масалан, *таш+иқ – тишиқ – тишқ – чиқ* (А.Ғуломов), *ўнакки – ўнэкки – ўникки (сўзлашув)* ва бошқалар.

Контекстуал мўтадиллашув аффикс морфемалар унлиларидаги юмшоқлик-қаттиқлик зиддиятининг ўзак морфема унлиси характериға кўра мўтадиллашуви саналади. Масалан, *қуллуқ, «таъзим»-қуллуқ «қуллик»*

Урғуга нисбатан эгалланган позиция аффиксал ёки ўзак морфеманинг қайси ўринда келишиғагина қараб эмас, балки, ўзак морфема унлиларининг сифати таъсирида ҳам рўй берадиган мўтадиллашув структур-контекстуал мўтадиллашув ҳисобланади. Масалан, *эчки-ички (Тошкент), экки (Балиқчи)* ва бошқалар.

4. Мўтадиллашиш даражаси жиҳатидан мўтадиллашувнинг тўлиқ ва тўлиқсиз бўлган кўринишлари мавжуд. Маълум белгига кўра мўтадиллашув коррелятив зидланувчи барча фонемаларни қамраб олса, тўлиқ мўтадиллашув ҳисобланади. Масалан, сўзнинг охириги позициясида жарангли-жарангсизлик белгисига кўра зидланувчи барча коррелятив ундошлар мўтадиллашиш хусусиятига эга. Бунда мўтадиллашув жарангсизлик белгиси ҳисобига рўй беради.

Маълум белгига кўра мўтадиллашув коррелятив зидланувчи барча фонемаларни қамраб ололмаса, тўлиқсиз мўтадиллашув саналади. Масалан, сонорлар зиддиятидан фақат *м-н* жуфтлиги б ундоши олдида келганда мўтадиллашади. Мўтадиллашув олдинги фонема фойдасига бўлади: *манба-мамба, шанба-шамба* ва бошқалар.

Шунингдек, интервокал позицияда ёки сонор олди позициясида келган ундошнинг жарангли-жарангсизлик белгисига кўра мўтадиллашуви ҳам бу белгига кўра барча коррелятив ундошларни қамраб олмайди. Масалан, *кичик+и-кичиги, керак+и-кераги*. Лекин *эк+ин-экин (эгин эмас), чиқ+иб-чиқиб (чигиб эмас)* ва бошқалар.

5. Реал борлиққа муносабатига кўра мўтадиллашувни қуйидаги турларга ажратиш мумкин: а) реал мўтадиллашув; б) потенциал мўтадиллашув.

Ҳозирги ўзбек тили фонологик тизимининг нутқий реаллашувида амал қилаётган мўтадиллашув реал мўтадиллашув саналади. Муайян шароитда мўтадиллашиш имкониятига эга бўлган, лекин амалга ошмаган мўтадиллашув потенциал мўтадиллашув саналади.

Шундай қилиб, лисоний бирликлар зиддиятининг мўтадиллашувини турли белгиларига кўра турлича тасниф қилиш мумкин. Тил сатҳидаги мўтадиллашувнинг умумий типлари бевосита нутқ босқичида турлича реаллашади. Диссертацияда бу ҳақда батафсил маълумот берилади.

Иккинчи бобнинг “**Мўтадиллашувнинг нутқий кўринишлари**” деб номланган иккинчи фаслида унлилар зиддияти, ундошлар зиддияти ва маълум шароитда уларнинг мўтадиллашуви ҳақида сўз юритилади.

Маълумки, кучли позициядаги унли фонемаларнинг асосий белгиларига тилнинг уч даражадаги (юқори, ўрта ва қуйи) кўтарилиш ва лабланиш-лабланмаслик белгилари киради. Олд ва орқа қаторлик белгиси эса унлиларнинг асосий белгиларига кирмайди, чунки унлилар қатори сўз шакл таркибидаги позицияга боғлиқ белги ҳисобланади.

Ўзбек тилининг унли фонемалари тилнинг кўтарилиш даражасига кўра зидланиши «уч поғонали», лабланиш белгисига кўра икки синфлидир. Ўзбек тилида унлилар бир белгига асосланган қуйидаги тенг ҳуқуқли зиддиятларни ҳосил қилиши мумкин: лабланиш белгисининг бор-йўқлигига кўра: (*о-а, ў-э, и-у*), компактлик-диффузлик белгисига кўра умумий, лабланиш белгисига кўра фарқли белгига эга, компактлик-диффузлик белгисига кўра: *о* (компакт, очик) – *у* (диффуз, ёпик); *а* (компакт, очик) – *и* (диффуз, ёпик). Шу билан бирга, бу икки зиддият аъзолари ўрта кўтарилиш (ярим очик, ярим ёпик) унлиларига, бир томондан, «компакт-компакт эмаслик», иккинчи томондан,

«диффуз-диффуз эмаслик» белгисига кўра зиддиятга киришади. Кўриниб турибдики, ўзбек тили унлиларининг бир белги асосида фарқланувчи уч зиддияти, икки белги асосида фарқланувчи олти (унда лабланиш белгиси билан тилнинг кўтарилиш даражаси белгиси бирга олинади) жами 9 та унлилар зиддияти мавжуд. Агар лабланиш белгиси билан тилнинг кўтарилиш белгиси алоҳида олинса, ўзбек тилида 13 та унлилар зиддияти мавжуд бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, унлилар позицияси ҳақида гап кетганда, кўпчилик туркийшунослар кўп бўғинли сўзларда унлиларнинг биринчи ва биринчи бўлмаган бўғинларда қўлланиш белгисига диққат қиладилар⁴⁷. Ана шундан келиб чиқиб, диссертацияда ҳам биринчи ва биринчи бўлмаган бўғинлардаги мўътадиллашувни фарқлашга аҳамият қаратилган.

Ундошлар зиддиятида пайдо бўлиш ўрни, усули, овознинг иштироки белгилари асосий фарқловчи белгилар саналади. Ўзбек тили ундош фонемалари биринчи белги асосида 26 та зидликни, иккинчи белги асосида 23 та зидликни, учинчи белги асосида эса 8 та зидликни, жами 57та зидликни ташкил этади. Бундан ташқари, икки белгили ва уч белгили зидликлар ҳам мавжудки, уларни ҳам эътиборга олинса, ундошлар зидлиги янада кўпаяди.

Ундошларнинг юқоридаги каби парадигматик муносабатлари нутқ жараёнида турлича ўзгаришларга учраши, зидликлар ўртасидаги фарқловчи белгиларнинг йўқолиши, сигнификатив кучсиз позицияда ўзаро эркин алмашилиб, маъно фарқламаслиги муайян тил бирлигининг вариантларини ҳосил қилиши мумкин. Натижада мўътадиллашув ҳодисаси рўй беради. Ундошлар зидлиги ўртасида мўътадиллашув ҳам ундошларнинг кучсиз позицияси билан боғлиқ. Ундошлар парадигматик зиддиятининг мўътадиллашуви морфологик жараён натижасида вужудга келади. Шунинг учун ҳам ундошлар мўътадиллашуви морфонология билан узвий боғлиқ.

Диссертацияда ўзбек тилидаги ундош фонемалар зидликларининг мўътадиллашуви ҳақида фикр юритганда, сўзларнинг фонетик тузилишидаги сўнги позиция ауслаут билан кўп морфемали сўзларнинг морфемалар оралиғи позицияси фарқланади ва ҳар икки позициядаги ундошлар зидликларининг мўътадиллашуви алоҳида-алоҳида баён қилинади.

Иккинчи бобнинг **“Морфемалар оралиғида ундошлар зиддиятининг мўътадиллашуви”** деб номланган учинчи параграфида бир ва бирдан ортиқ морфемали лексемаларнинг морфемалар чокида рўй берувчи мўътадиллашув ҳақида маълумот берилади. Маълумки, парадигма аъзолари ўртасидаги зиддиятнинг синтагматикада мўътадиллашуви фақат бир морфемали лексемалар доирасидагина эмас, балки икки ва ундан ортиқ морфемаларнинг синтагматик муносабатидан ташкил топган лексемаларнинг морфемалар чокида ҳам рўй беради. Бундай вақтда морфема варианты юзага чиқади. Морфема вариантлари замирида фонема вариантлари ётади. Бошқача айтганда, морфемалар чокида рўй берадиган фонологик зиддиятларнинг мўътадиллашуви морфема вариантларининг ҳосил бўлишига олиб келади.

⁴⁷ Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. – Л.: Наука, 1970. – С. 59.

Ўзбек тили морфемалари оралиғида *п-в* (*топиб-товип*), *п-б* (*қоп+и – қаб +и* (*желовчи*)), *к-г* (*тилак + им – тилагим*), *қ-ғ* (*қишлоқ+им – қишлоғим*), *г-к* (*тег+ган – теккан*, *барг+га – бакка*), *н-г* (*биз+ни – биззи*), *н-д* (*биз+ни – бизди* (*Балиқчи*)), *р-д* (*бер+ди–бедди* (*Наманган*)), *р-т* (*кекирдак-кекиттак* (*Наманган*)), *р-н* (*ўрин+и–ўрни–ўнни* (*Наманган*), *бурун+и–бурни–бунни* (*Наманган*, *Балиқчи*)), *ч-с* (*ич+са–исса* (*Балиқчи*)), *т-с* (*кет+са–кесса* (*Балиқчи*)), *н-т* (*от+ни – отти*(*Тошкент*)), *н-р* (*шаҳар+ни–шаҳарри* (*Наманган*)), *н-м* (*қизим+ни–қизимми*, *ўзим+ни–ўзимми* (*Тошкент*, *Наманган*)), *н-п* (*гап+ни–гаппи*, *қоп+ни–қоппи*) каби фонемалар зиддиятларининг мўътадиллашуви ва бунинг натижасида морфемаларнинг моддий жиҳатдан икки хил вариантланиши кузатилади. Диссетаацияда булар ҳақида батафсил маълумот берилади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Морфологик зиддиятлар мўътадиллашуви”** деб номланиб, унда синтетик шакллар, аналитик шакллар ҳамда синтетик ва аналитик шакллар зиддиятининг мўътадиллашуви ёритилади. Мазкур бобнинг “Синтетик шакллар зиддиятининг мўътадиллашуви” номли биринчи фаслида сўз ясовчи аффиксал морфемалар зиддиятининг мўътадиллашуви, келишиклар парадигмаси аъзолари ўртасидаги зиддиятларнинг мўътадиллашуви, шахс парадигмаси аъзолари ўртасидаги зиддиятлар мўътадиллашуви ҳақида сўз юритилади.

Сўз ясовчи *-ли*, *-дор*, *сер-*, *ба-* морфемалари “белгига эгалик” маъноси билан бир парадигмага бирлашади. Бу мазкур аффикслар учун умумлаштирувчи, бирлаштирувчи сема ҳисобланади. Парадигма аъзолари эса, ўз навбатида, айрим маъно қирралари билан зиддиятли муносабатда бўлади. Масалан, *-ли* аффикси “белгига эгалик”, *сер-*, *-дор* аффикслари эса “белгига ортиғи билан эгалик” характериға кўра даражали зиддиятга киришади. Солиштириб кўрайлик: *гулли* (*гули бор*), *гулдор*, *сергул* (*гули кўп*). Мазкур вазиятда *-дор* ва *сер-* аффикслари синтагматикада бир-бири билан эркин алмашиш хусусиятиға эға бўлганлиғи учун, улар ўртасидаги зиддият мўътадиллашган зиддият ҳисобланади, бунинг натижасида реал мўътадиллашув юзаға келади. *-ли* ва *сер-* аффикслари ўртасида эса зиддият қиймати маълум даражада сақланади (*гулли* (*гули бор*) ва *сергул* (*гули кўп*)), шунинг учун тўлиқ бўлмаган мўътадиллашув юзаға чиқади. *-ли*, *-дор*, *сер-*, *ба-* аффиксларининг бир парадигмага мансублиғи уларнинг доимо ўзаро эркин алмашилиш дистрибуцияси муносабатида бўла олади, дегани эмас. Масалан, юқоридаги вазиятда *ба-* префикси *-ли*, *-дор*, *сер-* аффиксал морфемалари билан битта қаторда туролмайди. Чунки *гулли*, *гулдор*, *сергул* дейиш мумкин, аммо *багул* деб бўлмайди. Демак, деривацион морфемаларнинг зиддиятли муносабатға кириша олиши синтагматикаға алоқадордир. Алоҳида олинганда бир парадигма аъзолари саналган морфемалар синтагматикада ҳар доим ҳам мўътадиллашавермайди.

Ишда айрим от ва феъл ясовчи морфемалар зиддиятининг мўътадиллашуви; келишиклар парадигмаси, шахс парадигмаси аъзолари ўртасидаги зиддиятлар ва уларнинг мўътадиллашуви ҳам таҳлилға тортилган.

Учинчи бобнинг иккинчи фасли “**Аналитик шакллар зиддиятининг мўътадиллашуви**” деб номланади. Унда *қилмоқ, бўлмоқ, этмоқ, айламоқ, бажо келтирмоқ* каби аналитик шаклларнинг зидланиш ҳолатлари ва мўътадиллашуви тадқиқ этилади. Ўзбек тилшунослигида яқин йилларга қадар синтетик ва аналитик шаклларнинг дистрибутив муносабатлари доирасида ҳам бир қатор изланишлар олиб борилган⁴⁸. Жумладан, Г.Исақованинг номзодлик ишида ўзбек тилидаги *қилмоқ* феълининг семантик-грамматик хусусиятлари, унинг сўз ясалиш ва сўз ўзгартириш системасига муносабати ўрганилган, лексик-грамматик системада тутган ўрни белгиланган, айтилиш вақтида, бу феълнинг бошқа бир қатор синтетик ва аналитик шакллар билан дистрибутив муносабати аниқланган⁴⁹.

Ўзбек тилидаги *қилмоқ, айламоқ, этмоқ* феъллари ўзига хос ранг-баранг маъноларни ифода этиши билан характерланади, натижада бу феъллар англатган услубий ранг-баранглик уларнинг бошқа бир қатор феъллар билан мўътадиллашувини юзага келтиради. Масалан: *Уйга берилган вазифани бажарди. // Уйга берилган вазифани қилди.// Уйга берилган вазифани тайёрлади.* Берилган гапларда *бажармоқ, қилмоқ, тайёрламоқ* феъллари ўртасидаги зиддиятларнинг кучсизланиши натижасида мўътадиллашув юз берган.

Бобнинг учинчи фасли “**Синтетик ва аналитик шакллар зиддиятининг мўътадиллашуви**” деб номланади. Унда ўзбек тилида синтетик ва аналитик шаклларнинг зиддиятли муносабати, айрим шароитларда уларнинг мўътадиллашуви масаласи ўрганилди.

Синтетик шакллардан бири бўлган келишикларнинг нутқ жараёнида аналитик шакллардан кўмакчилар билан алмашилиш ҳолатлари кўп учрайди. Масалан: *Саратон офтоби аёвсиз қиздираётганидан, оёқ остида қум, бетон қоришимасининг қуқунлари сочилиб ётган майдончадан ўтиб, туриб қолдим.* (Ў.Ҳошимов, *Икки эшик ораси*).

Кейин нимага институтдан кетганим, нимага қурилишга келганимни ўйлайман. Улар азбаройи зилзиладан ўғлимиз ўқини ташлаб кетди деб ишонади. (Ў.Ҳошимов, *Икки эшик ораси*).

Берилган ҳар икки парчада ҳам аналитик ва синтетик шакллар дистрибуцияси содир бўлиб, чиқиш келишиги шакли *-дан* билан *туфайли, сабабли, боис* сингари аналитик шакллар маънолари ўртасидаги зиддиятлар йўқолган. Қиёслаймиз: *Саратон офтоби аёвсиз қиздираётганидан // саратон офтоби аёвсиз қиздираётгани туфайли, (сабабли, боис)* Ёки: *Улар азбаройи зилзиладан ўғлимиз ўқини ташлаб кетди деб ишонади.// Улар азбаройи зилзила туфайли, (сабабли, боис) ўғлимиз ўқини ташлаб кетди деб ишонади.*

⁴⁸ Цалкаламанидзе А. А. Валентность глаголов в свете их семантико-синтаксических свойств (на материале турецкого и узбекского языков): Автореф.дис....д-ра филол.наук. – Ленинград, 1988. – 33 с.; Жумаев Ф. Ўзбек тилидаги синтетик феъл ясалмаларининг аналитик феъл ясалмалари билан синонимик муносабати: Филол.фанл. номз... дисс.автореф. – Тошкент, 2006. – 22 б.; Исақова Г.Н. Ўзбек тилидаги *қилмоқ* феълининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол.фанл. номз... дисс.автореф. – Тошкент, 2008. –21 б. ва бошқалар.

⁴⁹ Исақова Г.Н. Ўзбек тилидаги *қилмоқ* феълининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол.фанл.номз... дисс.автореф. – Тошкент, 2008. – 21 б.

Синтетик ва аналитик шакллар зиддиятининг мўътадиллашуви, айрим ҳолларда, сўз ясовчи морфемалар билан кўмакчилар орқали ҳам рўй бериши мумкин: *Кун бўйи эриниб кезиб юрган булутлар офтоб ботганидан кейин қаҳрли тус олди. Шиддатли бостириб кела бошлади* (Ў.Ҳошимов. Икки эшик ораси). Келтирилган парчада *шиддатли* сўзи таркибидаги *-ли* ясовчи морфемасини *билан* шаклига алмаштирилганда ҳам, гапнинг мазмунида ўзгариш кузатилмайди. Қиёсланг: *Шиддатли бостириб кела бошлади. // Шиддат билан бостириб кела бошлади.*

Ишнинг тўртинчи боби “Синтактик сатҳда мўътадиллашув” деб номланади. Унинг “Содда гапларда мўътадиллашув” номли биринчи фаслида синтактик сатҳ бирликлари ўртасидаги зиддиятларни шакл ва маъно муносабатига кўра уч турга ажратиш тавсия этилади. Улар қуйидагилар:

1. Синтактик зиддият (шакл ва шакл зиддияти).
2. Семантик зиддият (бир шакл ичида маънолар зиддияти).
3. Синтактик-семантик зиддият (шакл ва мазмун зиддияти).

Директор мактабдан гапирди жумласидан икки хил маъно англашилиши мумкин: 1) директор мактаб ҳақида гапирди (нима ҳақида гапирди?); 2) директор мактабдан туриб гапирди (қаердан гапирди?). Бунда бир шакл ичида маънолар зиддияти кузатилади. Контекстда ана шу маънолардан фақат биттаси функциялашади. Натижада семантик зиддиятларнинг мўътадиллашуви рўй беради.

Ўтиришингизни буюраман жумласида икки хил зиддият кузатилади: 1) синтактик-семантик зиддият (дарак гап шакли ва буйруқ мазмуни ўртасидаги зиддият); 2) шакл ва шакл зиддияти (синтактик зиддият). Бу ўринда буйруқ мазмуни учун икки хил гап шаклидан фойдаланиш мумкин: *Ўтиринг. // Ўтиришингизни буюраман*. Биринчиси буйруқ гап, иккинчиси дарак гап. Ана шу буйруқ ва дарак гап шакллари ўртасида кузатилган зиддиятни синтактик зиддият деб юритдик. Тилда ўзаро зиддиятли муносабатда бўлган ана шу зидланувчи аъзолардан нутқий вазиятда фақат биттасининг воқеланиши натижасида мўътадиллашув юзага келади.

Содда гапларда парадигма аъзолари ўртасидаги зиддиятлар ва уларнинг мўътадиллашуви қуйидаги ҳолатларда юзага келиши мумкин:

1. Ифода мақсадига кўра дарак, сўроқ, буйруқ ва истак гапларда.
2. Гапнинг воқеликка муносабатига кўра тасдиқ ва инкор гапларда.
3. Эмоционалликка кўра ҳис-ҳаяжонли ва ҳис-ҳаяжонсиз гапларда.
4. Зарурий бўлакларнинг иштирокига кўра тўлиқ ва тўлиқсиз гапларда.
5. Мураккаблашишига кўра мураккаблашган ва мураккаблашмаган гапларда.

Дарак гапларда мўътадиллашув. Ифода мақсадига кўра дарак гапларда қуйидаги зиддиятлар кузатилади: 1) дарак-сўроқ зиддияти; 2) дарак-буйруқ зиддияти; 3) дарак-истак зиддияти.

Дарак гапларнинг кесими буюриш семасидаги *буюрмоқ, чақирмоқ, ундамоқ* каби феъллар билан ифодаланганда, бундай гапларнинг шакли ва мазмуни ўртасида зиддият кузатилади. Баъзан гапнинг кесими модал маъно

ифодаловчи *керак, лозим, даркор* каби сўзлар билан ифодаланганда ҳам контекст талаби билан худди шундай ҳолат кузатилиши мумкин. Масалан, *Топшириқни зудлик билан ҳаммага етказишингизни буюраман*. Мазкур гапнинг кесими ижро майлидаги феъл билан ифодалангани учун дарак гап ҳисобланади. Мазмуни ва буюриш оҳангига кўра эса буйруқ гап. Демак, буйруқ мазмуни ва дарак гап шакли ўртасида зиддият кузатилади. Бундай зиддият учун асос ижро майлидаги феъл кесим. Дарак гапнинг кесими вазиятида келган ижро майлидаги феълнинг семантик структурасида буюриш семаси мавжуд бўлгани учун буйруқ майлидаги феъл кесимли гап билан эркин алмашиб қўлланиши мумкин. Нутқий вазиятда ана шу зиддиятнинг йўқолиши натижасида мўътадиллашув юзага келган. Мўътадиллашув эса синтактик-семантик номувофиклик учун йўл очиб беради.

Кузатишларимиздан шу нарса маълум бўлдики, дарак гапларда дарак-сўроқ, дарак-буйруқ, дарак-истак зиддиятларининг амал қилиши бир хил эмас. Дарак-сўроқ зиддияти ва ана шу зиддият белгисининг муайян вазиятда йўқолиши камдан-кам учраса, дарак-буйруқ, дарак-истак зиддиятлари ва уларнинг мўътадиллашуви кўпчиликни ташкил қилади.

Сўроқ гапларнинг мазмуний парадигмаси соф сўроқ, таажжуб, гумон, буйруқ, дарак, ташвиш, ғазаб, киноя каби семаларни ўзида бирлаштиради. Сўроқ гаплар соф сўроқ семасини ифодалаганда, унинг шакли ва мазмуни ўртасида зиддият кузатилмайди, яъни бундай гаплар шакли ва мазмуни ўртасида мутаносиблик бўлади. Бошқа ҳолатларда номутаносиблик кузатилади. Шакл ва мазмуни номутаносиб бўлган сўроқ гапларнинг таркибида сўроқ воситалари иштирок этиб, фақат шакл томондангина сўроқ гап саналади⁵⁰. Бундай ҳолатни кесим вазиятида *айтмайсизми, бўладими* сўзлари иштирок этган гапларда ҳам кузатиш мумкин. Масалан, *Тўйда чарчаганимни айтмайсизми?* Мазкур гапда икки томонлама зиддият мавжуд. Биринчидан, сўроқ шакли ва дарак мазмуни ўртасидаги зиддият (*Тўйда чарчаганимни айтмайсизми? – Тўйда жуда чарчадим*); иккинчидан, тасдиқ ва инкор маънолари ўртасидаги зиддият (*Тўйда чарчаганимни айтмайсизми? – Тўйда чарчаганимни айттинг*). Бу ўринда зиддият аъзолари ўртасидаги зидланиш белгисининг йўқолиши ва жумланинг иккиламчи функция бажариши учун “айтмайсизми” воситаси сабаб бўлмоқда.

Бирдан ёмғир қуйворса бўладими? Мазкур гап шаклан сўроқ гап, мазмунидан эса дарак гап. Сўроқ шакли ва дарак мазмуни ўртасидаги зиддиятнинг юзага келишида *бўладими* воситаси асос бўлган. Унинг таркибидаги -ми сўроқ юклагаси мазкур гапни сўроқ гап сифатида баҳолашга сабаб бўлмоқда. Аслида *Бирдан ёмғир қуйворди* деган дарак-хабар мазмуни англашилмоқда. Сўроқ-дарак зиддияти учун асос бўлган *-са бўладими* воситаси, аслида, сўроқ маъносини ифодалаш учун эмас, балки “*бирдан*” равиши орқали ифодаланган маънони кучайтириш вазифасини бажарган. Натижада кутилмаганда, тасодифан юзага келган иш-ҳаракат маъноси англашилган. Солиштириб кўрайлик: *Ёмғир қуйворди (аввалдан*

⁵⁰ Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 52.

кутилган иш-ҳаракат) – Бирдан ёмғир қуйворди (тасодифан юзага келган иш-ҳаракат) – Бирдан ёмғир қуйворса бўладими? (кучли тасодиф). Булардан биринчи ва иккинчи гаплар дарак гап, учинчиси эса сўроқ гап. Учала гапда ҳам бир хил пропозиция ифодаланган. Лекин бўлиб ўтган воқеликка сўзловчининг субъектив муносабати турлича. Ана шу муносабатни ифодалаш мақсадида дарак гап ўрнида сўроқ гапдан фойдаланилган. Бу эса дарак ва сўроқ гапларнинг мўътадиллашувига олиб келган.

Буйруқ гапларда мўътадиллашув. Буйруқ гаплар кишининг хоҳиши, илтимоси, маслаҳати, буйруғи каби турли ниятларини ифодалаб келади⁵¹. Унинг кесими феълнинг бирлик ва кўпликдаги I, II, III шахс буйруқ-истак майли шакллари орқали ифодаланади. Масалан, *Ёрилгин, тош, ёрилгин!* (буйруқ майли, II шахс, бирлик). *Мен онамни кўрайин, дийдорига тўяйин.* (буйруқ майли, I шахс, бирлик)

Буйруқ гапларни дарак, сўроқ ва истак гаплар билан зиддиятли муносабатда бўлишига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин: 1) буйруқ-дарак гаплар; 2) буйруқ-истак гаплар; 3) буйруқ-сўроқ гаплар.

Буйруқ-дарак гапларнинг кесими феълнинг буйруқ-истак майли шакллари билан ифодаланишига кўра буйруқ гап ҳисобланади, мазмунан эса бирор воқеа-ҳодиса ҳақидаги дарак-хабарни ифодалайди.

М.Холбоева ўзбек тилидаги гапларнинг семантик мураккаблашуви ҳақида фикр юритар экан, шундай дейди: “*Менга деса// қолса + -син*” тузилишидаги синтактик бирликлар шаклий тузилишига мувофиқ буйруқ маъносини англатади. Масалан: *Менга деса ҳунар ўргансин.* (Сўзлашувдан). Бундай тузилишдаги буйруқ гаплар дарак гаплар билан семантик парадигмага бирлашади. Қиёсланг: *Менга деса ҳунар ўргансин. Менга деса ҳунар ўргангани яхши (маъқул)*⁵².

Худди шундай конструкцияли гаплар орқали буйруқ-сўроқ зиддияти ҳам кузатилади. Масалан: *Раҳбардан шикоят қилиб Тошкентга бормоқчиймиш. Менга деса, Америкага борсин.* (Сўзлашувдан). Мазкур гапнинг кесими III шахс буйруқ-истак майли шаклидаги феъл билан ифодаланганлиги учун буйруқ гап. Лекин сўзловчининг нияти бирор ишга буюриш, даъват қилиш эмас, балки аччиқланиш, эътироз, менсимаслик кайфиятини ифодалашдан иборат. Ушбу маънолар сўроқ шакли орқали ҳам ифодаланади. Қиёслаб кўрайлик: *Менга деса, Америкага борсин.//Менга деса, Америкага бормайдими?* Ушбу ҳолатда буйруқ ва сўроқ гаплар зиддияти кузатилади. Демак, бир мазмунни ифодалаш учун икки хил гап шаклини эркин алмаштириб қўллаш мумкин. Кўринадики, “*Менга деса*” конструкцияли гапларда буйруқ-дарак, буйруқ-сўроқ зиддиятини кузатиш мумкин, ҳар иккала ҳолатда ҳам зиддият аъзолари зидланиш белгисини йўқотиб, мўътадиллашиши мумкин. Кўринадики, “*Менга деса*” конструкцияли гапларнинг кесими кўпинча феълнинг буйруқ-истак майли III шахс шакли орқали ифодаланади. Таҳлилларимизда бундай гапларни дарак

⁵¹ Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис. – Тошкент: Фан, 1976. – Б. 108.

⁵² Холбоева М. Ўзбек тилидаги гапларнинг семантик мураккаблашуви. – Тошкент: Фан ва технология, 2010. – Б. 11.

ва сўроқ гаплар билан алмаштириб қўллаш мумкин дейилди. Лекин ҳар доим ҳам эмас. Баъзан бундай гапларни эркин алмаштиришга гапнинг мазмуний мундарижаси йўл қўймайди. Масалан, *Менга деса, ҳунар ўргансин* гапидан таклиф, маслаҳат маънолари англашилмоқда. Уни *Менга деса ҳунар ўргангани яхши* дарак гапи билан алмаштириб қўллаш мумкин. Салбий маъно ифодаловчи *Менга деса, Америкага борсин* буйруқ гапини ҳам *Менга деса, Америкага бормайдими?* сўроқ гапи билан эркин алмаштириб қўллаш мумкин, аммо *Менга деса, Америкага боргани яхши* дарак гапи билан алмаштириб бўлмайди. Чунки *Менга деса, Америкага борсин* буйруқ гапи орқали ифодаланган прагматик маъно (*Кўлидан ҳеч нарса келмайди*) *Менга деса, Америкага боргани яхши* дарак гапи орқали англашилган маъно билан битта семантик парадигмага бирлаша олмайди. Натижада зиддият аъзолари зидланиш учун асос бўлган фарқловчи белгиларини ўзида сақлаб қолади. Бундай зиддият доимий зиддият дейилади ва мўътадиллашувга берилмайди. Демак, ифода мақсадига кўра дарак, сўроқ, буйруқ, истак гаплар зиддиятида ҳар доим ҳам мўътадиллашув кузатилавермайди. Бундай гапларнинг зиддият белгиларини йўқотиб, мўътадиллашувга учрашида улар орқали ифодаланувчи прагматик маъно муҳим роль ўйнайди.

Ифода мақсадига кўра буйруқ ва истак гаплар ҳам, кўпинча, ўзаро зиддиятли муносабатда бўлади. Бундай зиддият контекст талаби билан бўлади ва, асосан, диний матнлар, хусусан, дуо матнларида кузатилади. Масалан, ***Эй Роббимиз, бизга тоқатимиз етмайдиган нарсани юкламагин. Бизни афв эт, магфират қил ва раҳим эт. Сен хоҷамизсан. (Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири ҳилол. Бақара сураси, 286-оят).*** Мазкур парчада Аллоҳга мурожаат мазмуни ифодаланган. *Эй Роббимиз, бизга тоқатимиз етмайдиган нарсани юкламагин* жумласининг кесими II шахс буйруқ-истак майли шаклидаги феъл билан ифодаланган. Демак, шаклан буйруқ гап. Аммо, мантиқан олиб қаралганда, Аллоҳга буйруқ берилмайди, балки илтижо қилинади. Ана шу нуқтаи назардан юқоридаги содда гапнинг шакли ва мазмуни ўртасида зиддият кузатилади. Буйруқ гап шакли орқали истак, илтижо маънолари англашилган. Бу ўринда буйруқ ва истак маънолари зидланишида зиддият учун асос бўлган фарқловчи белгининг йўқолиши натижасида мўътадиллашув юзага келган, “юкламагин” буйруқ феъли *илтимос, илтижо, ўтинч* каби маънолари билан бошқа парадигма вакили сифатида намоён бўлмоқда.

Диссертацияда **истак гаплардаги мўътадиллашув** ҳолатлари ҳам тадқиқ этилган.

Тасдиқ-инкор белгисига кўра зиддият гапнинг ифода мақсадига кўра дарак гапларда ҳам, сўроқ гапларда ҳам, буйруқ ва истак гапларда ҳам; мураккаблашиш даражасига кўра мураккаблашган содда гапларда ҳам кузатилади. Баъзан кесими *...иб бўлибсан* (сўзлашувда *-иб бўпсан*) конструкцияли гаплар ҳам учрайди. Бундай гаплар, асосан, сўзлашувда диалогик нутқда қўлланади. Улар шаклан тасдиқ гап, мазмунан эса инкор гаплардир. Масалан, *Тўйга бориб бўпсан. // Тўйга бормайсан.*

(Сўзлашувдан). Бундай конструкцияли гаплар инкорни алоҳида таъкидлаш мақсадида қўлланилади.

Д.Лутфуллаева тасдиқ ёки инкор маънолари пресуппозиция орқали ҳам ифодаланиши мумкинлиги ҳақида фикр юритар экан, ҳар қандай гапларда пресуппозицияга ишора қилувчи воситалар – пресуппозиция сигналлари қатнашишини айтади⁵³. *Маккада биргина Абу Рофеъ қолди. (Аҳмад Лутфий Қозончи. Саодат асри қиссалари)*. Мазкур содда гап ифода мақсадида кўра дарак гап, воқеликка муносабатига кўра тасдиқ гап. Унинг таркибидаги “биргина” сўзи пресуппозицияга ишора қилувчи восита. У тасдиқ гап таркибида қўлланиб, инкор пресуппозициясига ишора қилмоқда. Ушбу пропозицияни икки хил гап шакли орқали ифодалаш мумкин: *Маккада биргина Абу Рофеъ қолди //Маккада Абу Рофеъдан ташқари ҳеч ким қолмади*. Тилда ана шу тасдиқ ва инкор белгиларига кўра зидланаётган икки birlikдан нутқда фақат биттаси воқеланади. Натижада содда гапларнинг тасдиқ-инкор белгисига кўра мўътадиллашуви кузатилади.

Мураккаблашган содда гапларда мўътадиллашув. Содда гаплар таркибида сифатдош, равишдош, ҳаракат номи ўрамлари, шарт феълли конструкциялар қатнашганда, одатда, гапда бирдан ортиқ пропозиция ифодаланади. Н.Маҳмудов бундай конструкцияларга нисбатан “иккинчи даражали предикация” терминини қўллашни маъқул деб билади⁵⁴. Олим туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида иккинчи даражали предикацияга эга бўлган конструкциялар орасида сифатдош, равишдош ва ҳаракат номи ҳамда феълнинг шарт майли шаклли оборотлари кенг тарқалганини айтади ва бундай конструкциялар билан мураккаблашган содда гапларда ана шу конструкциялар ҳисобига икки ёки ундан ортиқ пропозиция ифодаланиши ҳамда шу йўл билан гап семантик субстратининг мураккаблашуви натижасида гапда семантик-синтактик асимметрия юзага келишини таъкидлайди⁵⁵. Семантик-синтактик асимметрия эса мураккаб жараён бўлиб, аввало, икки элементнинг зиддияти ва маълум шароитда уларнинг зиддият белгиларини йўқотиб, мўътадиллашуви натижасида вужудга келади.

Баъзан сифатдош ўрамларда номинализациянинг кучайиши ундаги предикатив мазмуннинг камайишига олиб келади. Натижада у иккинчи пропозиция ифодачисининг таркибий қисмига айланиши мумкин. Масалан, *Мўминлар пайгамбарлар Саййиди (с.а.в.) жанобимизнинг ортларида Каъбага юзланиб, намозга туришиди. (Аҳмад Лутфий Қозончи. Саодат асри қиссалари)* Гапда учта пропозиция мавжуд: 1) *пайгамбарлар Саййиди (с.а.в.) бўлган*; 2) *мўминлар жанобимизнинг ортларида Каъбага юзланиб*; 3) *намозга туришиди*. Биринчи пропозиция сифатдош ўрам, иккинчиси равишдош ўрам билан ифодаланган. Сифатдош ўрам таркибидаги “бўлган” қисмининг

⁵³ Лутфуллаева Д.Э. Тасдиқ гапларда инкор ва шаклий-мазмуний номувофиклик. Филол.фан.номз. дисс. ...авторреф. – Тошкент, 1997. – Б. 18.

⁵⁴ Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 99.

⁵⁵ Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 99.

тушириб қолдирилиши оқибатида номинализациянинг кучайиши ундаги пропозициянинг кучсизланишига олиб келган. Натижада у равишдош ўрам орқали ифодаланган пропозициянинг таркибий қисмига айланган ва жумла орқали учта эмас иккита пропозиция ифодаланган. Биринчи пропозиция “*Мўминлар пайгамбарлар Саййиди (с.а.в.) жанобимизнинг ортларида Каъбага юзланиб*” равишдош ўрами орқали ифодаланган ва иккинчи даражали предикацияни ташкил қилган. Иккинчи пропозиция (*намозга туришиди*) эса гапдаги асосий предикатдан англашилган. Гапни икки хил шаклда ифодалаш мумкин: *Мўминлар пайгамбарлар Саййиди (с.а.в.) жанобимизнинг ортларида Каъбага юзланиб, намозга туришиди // Мўминлар пайгамбарлар Саййиди (с.а.в.) жанобимизнинг ортларида Каъбага юзланишиди, намозга туришиди.* Ҳар иккала гапда ҳам ахборот сифими бир хил. Биринчи гап тузилишига кўра содда гап бўлса, иккинчиси боғловчисиз кўшма гап. Кўринадики, тилда мураккаблашган содда гап ва боғловчисиз кўшма гаплар зиддиятли муносабатга киришган. Нутқда улардан фақат биттасининг воқеланиши натижасида мўътадиллашув юз беради. Мўътадиллашув жараёнини босиб ўтган жумланинг эса шакли ва мазмуни ўртасида номувофиқлик кузатилади.

Сифатдош, равишдош ўрамлари каби ҳаракат номи ўрамлари ҳам маълум бир гапнинг трансформацияси натижасида вужудга келади ва номинализациялашади.

Диссертацияда ҳис-ҳаяжонли ва ҳис-ҳаяжонсиз, тўлиқ ва тўлиқсиз гаплар зиддияти ҳамда уларнинг мўътадиллашуви масаласи ҳам ёритилган.

Тўртинчи бобнинг иккинчи фасли **“Кўшма гапларда мўътадиллашув”** деб номланади. Унда, асосан, боғланган, эргаш гапли ҳамда боғловчисиз кўшма гаплардаги мўътадиллашув ҳақида фикр юритилади. Кўшма гап сатҳида боғланган, эргаш гапли, боғловчисиз кўшма гапларнинг шакли ва мазмуни ўртасидаги зиддият ва бу зиддият учун асос бўлган фарқловчи белгиларнинг йўқолиши ҳам мўътадиллашувга олиб келади. Масалан, *Меҳмонлар энди кетмоқчи бўлиб туришган эди, аммо ош сузилди.* Мазкур зидлов муносабатли боғланган кўшма гапда компонентлари ўзаро аммо боғловчиси ёрдамида бириккан. Кўшма гап қисмларининг ҳар иккаласи тасдиқ шаклда. Аммо пресуппозиция ҳисобига гапдан англашилган иккиламчи пропозиция инкорни ифодалайди. Гапни *Меҳмонлар энди кетмоқчи бўлиб туришган эди, аммо кетишмади* шаклида ҳам қўллаш мумкин. Демак, мазкур боғланган кўшма гапда тасдиқ-инкор белгисига кўра зиддият кузатилади. Нутқий шароитда юқоридаги гапларни алмаштириб қўллаш натижасида улар мўътадиллашиши мумкин.

Ҳазрати Умарнинг (р.а.) бу мулоҳазасига Абдуллоҳ қандай жавоб берди, билмаймиз. (Аҳмад Лутфий Қозончи. Саодат асри қиссалари). Мазкур боғловчисиз кўшма гапни икки хил шаклда қўллаш мумкин: 1. *Ҳазрати Умарнинг (р.а.) бу мулоҳазасига Абдуллоҳ қандай жавоб берди, билмаймиз.* 2. *Ҳазрати Умарнинг (р.а.) бу мулоҳазасига Абдуллоҳ қандай жавоб берганини билмаймиз.* Биринчи гап боғловчисиз кўшма гап, иккинчиси эса содда гап. Ҳар иккала гап шаклида ҳам ахборот ҳажми бир хил. Демак, нутқий вазиятда

иккала гапни эркин алмайтириб қўллаш мумкин. Маълум шароитда бири ўрнида иккинчисини алмаштириб қўллаш натижасида мўътадиллашув юз беради.

Эргаш гапли қўшма гапларда мўътадиллашув, кўпинча, ҳавола бўлакли гапларда кузатилади. Мўътадиллашувга бир ҳавола бўлакли гаплар ҳам, икки ҳавола бўлакли гаплар ҳам бирдек берилади. Масалан, *Унинг бу товушида шунчалар ўкинч бор эдики, буни фақат Икромжоннинг кечмишидан хабардор одамгина сезиши мумкин эди.* (Саид Аҳмад. Уфқ.) Мазкур гап бир ҳавола бўлакли эргаш гапли қўшма гап. Эргаш гап таркибида “бўлган” сифатдошининг тежалиши натижасида ҳосил бўлган “*Икромжоннинг кечмишидан хабардор*” адъектив конструкцияси қатнашган. Бу конструкцияни бош гап таркибидаги “шунчалар” дейксиси ўрнига қўйилса, мазкур аниқловчи эргаш гапли қўшма гап мураккабланиш содда гапга айланади. Бунда гап қўйидагича кўринишга эга бўлади: *Унинг бу товушида фақат Икромжоннинг кечмишидан хабардор одамгина сезиши мумкин бўлган бир ўкинч бор эди.* Демак, сўзловчининг мақсадини икки хил гап шакли орқали ифодалаш мумкин. Гапларнинг биринчиси полипропозитив ва полипредикатив гап, иккинчиси эса полипропозитив ва монопредикатив гап. Демак, полипропозитивлик белгиси иккала гапда ҳам такрорланувчи умумий белги бўлса, полипредикативлик белгиси биринчи гапда бор, иккинчисида эса йўқлиги билан характерланувчи фарқловчи белги саналади. Ана шу фарқловчи (полипредикативлик) белгиси билан тилда ушбу гаплар зиддиятли муносабатда бўлади. Нутқий вазиятда улардан фақат бирининг воқеланиши мўътадиллашувга олиб келади. Кўринадики, бир ҳавола бўлакли гаплар лисоний ортикчаликка олиб келади.

Нимани эксанг, шуни ўрасан. (Мақол). // *Экканингни ўрасан.* Мазкур гаплар полипропозитивлик ва полипредикативлик белгиларининг биринчи ифодада борлиги, иккинчисида эса йўқлигига кўра фарқланади. Ана шу белгисига кўра икки аъзо ўзаро зиддиятли муносабатга киришган. Нутқда “*Экканингни ўрасан*” ўрнида “*Нимани эксанг, шуни ўрасан*” жумласининг алмашилиши натижасида мўътадиллашув юзага келган. Бу турдаги зиддият ва уларнинг мўътадиллашуви икки ҳавола бўлакли эргаш гапли қўшма гапларнинг барчаси учун хосдир.

Тўртинчи бобнинг “**Содда ва қўшма гаплар мўътадиллашуви**” номли фаслида содда ва қўшма гаплар ўртасидаги зиддиятлар ва уларнинг мўътадиллашуви тадқиқ этилган. Мўътадиллашув ҳодисаси содда гапларда, асосан, синтактик (шакл ва шакл зиддияти) зиддиятга асосланишини, гапдан англашилган мазмуннинг воқеликка муносабатига кўра тасдиқ ва инкор гаплар зиддиятида гапнинг прагматик маъноси асосий роль ўйнашини, мураккабланиш содда гапларда полипропозитив ва монопредикативлик белгиси зиддият учун асос бўлиши таҳлиллар асосида кўриб чиқилди. Қўшма гапнинг боғланган ва боғловчисиз турида мўътадиллашув лисоний тежамкорликка асосланса, эргаш гапли қўшма гапларда, кўпинча, ортикчалик тамойили асосида юзага келишининг гувоҳи бўлди. Бундан содда ва қўшма гаплар ўртасидаги зиддият ва уларнинг мўътадиллашуви ниманинг ҳисобига

юзага келади, деган ўринли савол туғилади. Ишнинг мазкур фаслида ана шулар ҳақида фикр юритилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, содда ва қўшма гаплар ўртасида кўпинча қуйидаги ҳолларда зиддият кузатилади:

1. Содда гап таркибида пропозитив маъно ифодалашга хосланувчи сўзлар қўлланганда: *У **мажбур** ҳаммани рақсга чорлади. (Сўзлашувдан) // У мажбур бўлди ва ҳаммани рақсга чорлади.*

2. Содда гап таркибида луғавий маъноси асосида пропозитив маъно ифодаловчи сўзлар қўлланганда: *Туркиянинг шарқий Ван вилоятидаги **зилзила** Рихтер шкаласи бўйича 7.2 баллни ташкил этди. (Интернетдан) // Туркиянинг шарқий Ван вилоятида **зилзила** бўлди, у Рихтер шкаласи бўйича 7.2 баллни ташкил этди.*

3. Содда гап таркибида пресуппозицияга йўл очувчи воситалар иштирок этганда: *Кечаги йиғилишга **фақат** Карим келмади. (Сўзлашувдан) // Кечаги йиғилишга ҳамма келди, фақат Карим келмади.*

4. Содда гап таркибида сифатдош, равишдош, ҳаракат номи ўрамлари, ўхшатиш ҳамда шарт феълли конструкциялар иштирок этганда: *Йўлчилар туяларидан тушиб, масжидга киришди. (Аҳмад Лутфий Қозончи. Саодат асри қиссалари) // Йўлчилар туяларидан тушди ва масжидга киришди.*

5. Содда гап таркибида –дан+кейин (сўнг), -дан+аввал (бурун) каби кўмакчили қурилмалар иштирок этганда: *Онасидан сўнг оиладаги муҳит бутунлай ўзгарди. (Сўзлашувдан) // Онаси вафот этди, шундан сўнг оиладаги муҳит бутунлай ўзгарди. // Онаси вафот этди ва оиладаги муҳит бутунлай ўзгарди.*

6. Эргаш гапли қўшма гапларда ҳавола бўлақлар иштирок этганда: *Нима эксанг, шуни ўрасан. (Мақол) // Экканингни ўрасан.*

Юқоридаги барча ҳолларда зиддият аъзоларининг эркин дистрибуцияси мўътадиллашувга олиб келади.

ХУЛОСА

1. Систем тилшунослик ҳар қандай лисоний бирликни муайян унсурларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган ва янги сифатга эга бўлган бутунлик сифатида эътироф этади. Лисоний бирлик мундарижасини белгиловчи ички тузилиш унсурларининг вазифаси бу лисоний бирликнинг бошқа лисоний бирлик билан муносабатида очилади. Шунинг учун ҳам систем тилшуносликда муносабат тушунчаси муҳим ўрин эгаллайди.

2. Лисоний бирликлар муносабати ўхшашлик ва фарқланиш тушунчаларини тақозо этади. Ўхшашликка ишора қилувчи унсурлар бирлаштирувчи, фарқланишни билдирувчи унсурлар эса фарқловчи белгилар саналади. Тил системасида ҳар бир лисоний белги бошқасига маълум фарқловчи белгиси билан зидланади. Шунинг учун ҳам зиддият систем тилшуносликнинг асосини ташкил этади.

3. Мўътадиллашув ҳодисаси ҳам бошқа лисоний ҳодисалар каби зиддиятли, иккиланган хусусиятга эга бўлиб умумийлик ва хусусийлик

белгиларини акс эттиради: хусусий белгилари орқали фарқли белгилари намоён бўлса, умумий белгилари орқали бир рукнга – мўтадиллашувга бирлашади.

4. Парадигматикада зиддиятга киришувчи икки лисоний бирлик синтагматик муносабатда зидлик белгиларини йўқотиши – бир хил бўлиб қолиши мумкин. Бундай ҳодиса мўтадиллашув саналади. Систем тилшуносликда зиддият (оппозиция) тушунчаси қанчалик муҳим бўлса, мўтадиллашув тушунчаси ҳам шунчалик аҳамиятлидир.

5. Мўтадиллашув ҳодисасини қуйидаги белгилар асосида тасниф қилиш мумкин: а) мўтадиллашувчи қисмлар хусусиятига кўра; б) мўтадиллаштирувчи позиция хусусиятига кўра; в) мўтадиллашиш хусусиятига кўра; г) мўтадиллашиш даражасига кўра; д) реал борлиққа муносабатига кўра.

6. Мўтадиллашув бевосита нутқда муайян нутқий вазиятда маълум қонуният асосида рўй беради, лекин бу ҳодисани рўй бериш вазиятига қараб, фақат нутқий босқич билан боғлиқ деб бўлмайди. Бу нутқий ҳодиса замирида ҳам қандайдир умумлашма, модель ётади.

7. Ўзбек тилининг фонологик сатҳида фонологик бирликларнинг зиддиятига сабабчи бўлган қуйидаги фарқловчи белгилар синтагматик муносабатда фарқланиш белгисини йўқотиши – мўтадиллашуви мумкин:

Унли фонемалар учун: 1) лабланиш – лабланмаслик; 2) оғизнинг очилиш даражаси. Ундош фонемалар учун: 1) пайдо бўлиш ўрни; 2) пайдо бўлиш усули; 3) акустик белги (жарангли – жарангсизлик белгиси).

8. Унлилар зиддиятида уларнинг кўп бўғинли сўзларнинг биринчи ва биринчи бўлмаган бўғинларида қўлланиш белгиси муҳим аҳамиятга эга. Унлилар биринчи бўлмаган бўғинларда урғунинг ўрни, сўзнинг структур типи, бўғинларнинг миқдори, унлилар гармониясининг мавжудлиги, умлаут ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқ ҳолда турли хил ўзгаришларга учрайди. Натижада ана шундай вазиятда зиддият аъзолари ўртасида фарқланиш белгиси кучсизлашади ва мўтадиллашув учун қулай имконият вужудга келади. Кўп бўғинли сўзларнинг биринчи бўғинидаги унли билан бир бўғинли сўзлардаги унлининг воқеланиш шароити маълум даражада фарқ қилади. Бир бўғинли сўзларда унли комбинатор, диалектал ва услубий жиҳатдан турли вариантларга эга бўлса, кўп бўғинли сўзларнинг биринчи бўғинидаги унли, буларга қўшимча равишда, урғули ёки урғусиз бўғинда жойлашиши, айрим шеваларда эса умлаут асосида ҳам вариантланиши мумкин. Шунинг учун ҳам бир бўғинли сўзларга нисбатан кўп бўғинли сўзларнинг биринчи бўғинида ва кўп бўғинли сўзларнинг биринчи бўғинига нисбатан кейинги бўғинларида унлиларнинг вариантланиши бойроқ бўлади ва мўтадиллашув ҳодисаси ҳам кўпроқ кузатилади.

9. Ундошлар зиддиятида бир белгили, икки ва ундан ортиқ белгили зиддиятлар кўп кузатилади. Икки ва ундан ортиқ белгили зиддиятга нисбатан бир белгили зиддиятлар мўтадиллашувга кўпроқ берилади, чунки мўтадиллашув зидланувчи аъзолар ўртасида зиддиятнинг кучли ёки кучсизлигига асосланади. Бир белгили зиддият кўп белгили зиддиятга

нисбатан зидланувчиларни перцептив жиҳатдан кучсизроқ фарқлайди. Шунинг учун мўътадиллашувга кўпроқ берилади.

10. Ундошлар мўътадиллашуви интервокал ҳолатда, шунингдек, унли ва сонор ундошлар орасида ҳамда айрим унлилардан сўнг уларнинг таъсирида рўй беради.

11. Фонологик сатҳ бирликлари фақат шаклий томондан зиддиятга киришса, юқори сатҳ бирликлари уч томондан зиддиятга киришади: 1) шаклий томондан; 2) мазмуний томондан; 3) шаклий ва мазмуний томондан. Ҳар учала ҳолатда ҳам зиддият аъзолари маълум вазиятда мўътадиллашувга учраши мумкин.

12. Позитсия ва комбинация мўътадиллашувга сабаб бўлувчи омиллардир. Тил тизимининг фонологик сатҳига оид мўътадиллашув, асосан, позитсия билан, лексик, морфологик, синтактик сатҳидаги мўътадиллашув эса ҳам позитсия, ҳам комбинация билан боғлиқдир.

13. Морфологик ва синтактик бирликлар зидланишининг мўътадиллашувини тадқиқ этишда дистрибутив методдан фойдаланиш яхши натижа беради. Дистрибуциянинг уч хил кўриниши мавжуд бўлиб, улардан кўшимча дистрибуцияда зиддият аъзолари ўзида зиддият учун асос бўлган фарқловчи белгини сақлаб қолади, мўътадиллашувга берилмайди. Контраст дистрибуция муносабатида зидланувчи аъзолар зиддият қийматини қисман сақлаб қолади. Эркин дистрибуция муносабатида эса зидланувчи аъзолар зиддият қийматини тўлиқ йўқотади ва мўътадиллашувга берилади.

14. Морфологик сатҳда, кўп ҳолларда, приватив зидланишда зиддият аъзолари ўртасида мўътадиллашув рўй беради. Бундай ҳодиса деярли барча грамматик категорияларда учрайди. Хусусан, сон категорияси ўзаро зидланувчи бирлик ва кўплик маъноларини ифодаловчи аъзолар муносабатидан ташкил топиб, айрим шарт-шароитда ана шундай зиддият ўз кучини йўқотади. Бунда кўплик шакли кўплик сонни эмас, хурмат, таъкид, кучайтириш каби маъноларни ифодалайди ва шу маънолар асосида бирлик шакл билан зидланишга ўтади. Худди шундай ҳолат шахс категорияси, замон категорияси, келишик категорияси, бўлишли-бўлишсизлик категорияси аъзоларида ҳам кузатилади.

15. Маълумки, синтактик қурилмалар диктум ва модусдан ташкил топади. Гапнинг диктуми ўзгармас, модуси эса ўзгарувчан. Синтактик бирликларда мўътадиллашув модус ҳисобига бўлади. Синтактик сатҳ бирликлари ўртасидаги зиддиятларнинг мўътадиллашуви ана шу белгиси билан фонологик, лексик, морфемик, морфологик сатҳдаги мўътадиллашувдан фарқ қилади.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02
AT FERGANA STATE UNIVERSITY**

ANDIJAN STATE UNIVERSITY

NURMANOVA DILFUZA ABDUHAMIDOVNA

NEUTRALIZATION AT THE LEVELS OF THE UZBEK LANGUAGE

10.00.01 – The Uzbek Language

**DISSERTATION ABSTRACT
for the scientific degree of Doctor of Science (DSc) in philological sciences**

Fergana – 2022

The theme of the DSc dissertation is registered by Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under the number B2022.DSc/Fil403.

The dissertation has been prepared at Andijan state university

The abstract of the dissertation is posted in three (Uzbek, Russian, English (resume)) languages on the website of the council at www.fdu.uz and «ZiyoNET» information and educational portal (www.ziynet.uz).

Scientific advisor:

Sayfullayeva Ra'no Raufovna
Doctor of Philological Sciences, Professor

Official opponents:

Usmanova Huriniso Sharopovna
Doctor of Philological Sciences, Professor

Rozikova Gulbahor Zaylobidinovna
Doctor of Philological Sciences, Associate Professor

Jumanazarova Guljahon Umrzakovna
Doctor of Philological Sciences, Professor

Leading organization:

Samarkand State University

The defense of the dissertation will be held at the meeting of the Academic Council numbered DSc 03/30.12.2019.Phil.05.02 at Fergana State University on " 26 " 12 at 9⁰⁰. Address: 100151, Fergana city, B.Marginoniy Street, 105. Tel: (99873) 244-44-29; fax: (99873) 244-44-91; e-mail: fardu_info@umail.uz.

The dissertation can be viewed at the Information Resource Center of Fergana State University (registered with number 216). Address: 100151, Fergana city, Murabbiys Street, 19 Tel: (99873) 244-44-94.

The abstract of the dissertation was distributed on " 12 " 12 , 2022.
(Mailing report number 67 on " 12 " 12 2022).



Sh.M.Iskandarova
Chairperson of the Scientific Council
awarding scientific degrees, Doctor of
Philological Sciences, Professor

M.T.Zokirov
Secretary of the Scientific Council awarding
scientific degrees, Candidate of Philological
Sciences, Associate Professor

A.B.Mamajonov
Chairperson of the Scientific Seminar
at the Scientific Council awarding scientific
degrees, Doctor of Philological Sciences,
Professor

INTRODUCTION (Annotation of the Doctoral (DSc) Dissertation)

Relevance and necessity of the dissertation topic. The exchange of scientific paradigms in the study of language in world linguistics, that is the exchange of a descriptive-historical approach with a systematic-structural approach, leads to the recognition of any linguistic phenomenon as a whole consisting of specific elements, and to its interpretation of each linguistic unit as a substance which is structurally characterized by certain qualities and relationships. As a result, great attention was paid to the study of the internal structure of each linguistic unit as a whole, its constituent elements and the relationship between them in the prism of language and speech.

As a result of the structural approach to the object studied in world linguistics, linguistic units are interpreted as a whole. The elements of the whole determine the content of this whole, the content of linguistic units is formed from a set of distinguishing and unifying signs. It is recognized that differentiating and non-differentiating (unifying) signs in the content of a linguistic unit are defined based on contrasting one linguistic unit with another linguistic one. Therefore, the concept of opposition (opposition) occupies a central place in systematic linguistics. In the language system, two linguistic units that are in a certain opposition can become identical, losing the signs that are the basis of the opposition in the course of speech. The disappearance of signs of opposition between two linguistic units in certain speech conditions is called neutralization. Identifying the phenomenon of neutralization and determining its causes helps to correctly combine variants (types) into invariants (genus) in systematic linguistics. Therefore, it is important to clarify the issue of oppositions between linguistic units and their neutralization in each national linguistic segment. Because, “In today's era of globalization, it is natural for every nation, every independent country to secure its national interests, and in this regard, first of all, to preserve and develop its culture, ancient values, and mother tongue”⁵⁶.

In Uzbek linguistics, a lot of attention is being paid to the systematic analysis of linguistic units from the point of view of dialectical philosophy. In the scientific studies related to the phonology of the Uzbek language, the issues related to phonological oppositions and their neutralization have attracted the attention of researchers to a certain extent. In fact, the phenomenon of neutralization is considered as a universal phenomenon typical for all levels of the language, and it can be the object of a monographic study on the example of the analysis of units of every single level. This shows that this topic is relevant not only for Uzbek linguistics, but for general linguistics as well.

To a certain extent, this dissertation work will serve to implement the tasks set out in the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-4947 of February 7, 2017 "On the Strategy of Actions for Further Development of the

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармони: <http://lex.uz/docs/4561730>

Republic of Uzbekistan", No. PF-5850 of October 21, 2019 "On Measures to Radically Increase the Prestige and Status of the Uzbek Language as a State Language", No. PF-6084 dated October 20, 2020 "On measures to further develop the Uzbek language and improve language policy in our country", No. PF-6108 dated November 6, 2020 "Development of education and science in the period of new development of Uzbekistan Decrees on measures; PQ-2789 dated February 17, 2017 "On measures to further improve the activities of the Academy of Sciences, organization, management and financing of research and development", resolutions on the large celebration of the thirtieth anniversary of the adoption of the PQ-4479 dated October 4, 2019 "On the State language of the Republic of Uzbekistan", and other regulatory legal documents related to this activity.

Correspondence of the dissertation with the priority directions of science and technology development of the Republic of Uzbekistan. The research was carried out in accordance with priority line I. "Social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of the informational society and democratic state, development of innovative economy" of the republic's science and technology development.

Review of foreign scientific research on the topic of the dissertation⁵⁷. In world linguistics, scientific research aimed at studying the confrontation of linguistic units and the elimination of signs of opposition in certain conditions and their neutralization is carried out in leading scientific centers and higher education institutions, including Moscow State University (Russia), Prague School of Linguistics (Czech Republic), University of Copenhagen (Denmark), Yale University, University of New York, Columbia University (USA), University of Geneva (Switzerland); Leipzig University (Germany), Cambridge University (Great Britain), Siberian Federal University (Russia), Moscow State Linguistic University (Russia), Novosibirsk State University (Russia), Saratov State University (Russia), Baki State University (Azerbaijan), Khojand State University (Tajikistan), as well as Mirzo Ulugbek National University of Uzbekistan, Alisher Navoi Tashkent State University of Uzbek Language and Literature, Andijan State University, Fergana State University (Uzbekistan).

The following scientific results were obtained from the research on the opposition of linguistic units and their neutralization in world linguistics: language and speech were distinguished (Switzerland); strong and weak positions of phonemes, which are important for phonological neutralizations, were distinguished (Moscow School of Phonology, Russia); phonological oppositions were classified (Prague Linguistic Circle, Czech Republic), this classification was perfected, was considered as one of the central concepts of phonology. (Moscow School of Phonology, Russia); the nature of neutralization at the phonological level was revealed (Moscow School of Phonology, Russia), it was showed that

⁵⁷ Review of foreign scientific research on the topic of the dissertation was carried out on the basis of resources google.scholar.com., ru.wikipedia.org, orfogrammka.ru, biblioclub.com, bigenc.ru, cheloveknauka.com, www.dissercat.com, vestnik.yspu.org, ru.m.wikipedia.org, ru.m.wiktionary.org, danafae.org, dslib.net, reseachgate, www.kaznu.kz, bloomsbury.com, www.utexas.edu, english.pku.edu.cn, www.lang.ox.ac.uk, www.bu.edu, micros.uz, www.uv.es, www.zora.uzh.ch, cleee@snu.ac.kr, www.ras.ru, adwww.ecu.edu.au, www.sophia.ac.jp/eng; www.msu.ru; www.vsu.bu; www.education.ua/universities, www.navoiy-uni.uz, staff.tiame.uz and others.

neutralization is based on the principle of economy in phonetic changes (Columbia University, New York, USA); neutralization is distinguished from related phenomena such as assimilation, dissimilation, accommodation: neutralization is phonological, and assimilation, dissimilation, and accommodations are phonetic phenomena (Moscow State University, Russia), it was proved that neutralization is not only in the phonological system of the language, but it is also applicable to the syntactic level according to the Russian language materials (Tambov University, Russia); theoretical foundations of optionality and neutralization were discussed (Khojand State University, Tajikistan); the issue of the neutralization of syntactic units in the Uzbek language according to the affirmative-negation sign was studied (Andijan State University); the factors that cause the neutralization of pronouns at the morphological level of the Uzbek language were determined (TSUULL named after Alisher Navoi); the theoretical foundations of syncretism and polyfunctionality, which is a phenomenon close to neutralization were studied (ASU).

In modern world linguistics, research is being conducted on contradictions, their manifestations at all levels of the language (phonological, lexical, morphological and syntactic levels), and the neutralization of these contradictions between linguistic units under certain conditions.

The degree of study of the problem. In linguistics, when units belonging to the same level are united in a certain paradigm according to their common features, the issue of opposing relations within the structure of this same paradigm on the basis of specific, i.e., distinguishing features, and the issue of their neutralization as a result of the similarity of the differentiating features between the members of the opposition under certain conditions, is researched on the basis of the language-speech dichotomy. Regarding these problems, F.de Saussure⁵⁸, L.Bloomfield⁵⁹, B.de Courtenay⁶⁰, L.I.Bogoraz-Buchman⁶¹, L.V.Shcherba⁶², R.Jacobson⁶³, L.Helmslev⁶⁴, A.Martine⁶⁵, N.D.Arutyunova⁶⁶, R.P.Afanaseva⁶⁷, T.V.Bulygina⁶⁸, V.K.Zhuravlev⁶⁹, V.M.Beldiyan⁷⁰, E.Kurilowitz⁷¹, V.Solntsev⁷², N.S.Trubetskoy⁷³,

⁵⁸ Ф.де Соссюр. Труды по языкознанию. –М.:Прогресс, 1977. – 696 с.

⁵⁹ Блумфилд Л. Язык. –М.: Прогресс, 1968. – 606 с.

⁶⁰ Бодуэн де куртенэ И.А. Некоторые отделы «Сравнительной грамматики» славянских языков. –Варшава: Типография М.Замкевича и В.Ноаковского, 1881. – 84 с.

⁶¹ Богораз-Бухман Л.И. О нейтрализации и архифонеме в связи с согласными русского языка. / Проблемы структурной лингвистики. –М.: АН СССР, 1963. –С. 153-163.

⁶² Щерба Л.В. Русские гласные в качественном и количественном отношении. –М.: Наука, 1983. – 155 с.

⁶³ Якобсон Р. Избранные работы. – М.: Прогресс, 1985. – 460 с.

⁶⁴ Ельмслев Л. Прологомены к теории языка. – М.: КомКнига, 2006. – С.108.

⁶⁵ Мартине А. Нейтрализация и синкретизм. // Вопросы языкознания. – 1969. – № 2. –С. 96-109.

⁶⁶ Арутюнова Н.Д. О минимальной единицы грамматической системы. // Единицы разных уровней грамматического строя и их взаимодействие. – М.: Наука, 1969. –С.27-45.

⁶⁷ Афанасьева Р.П. Процессы нейтрализации в семантико-грамматических классах глагола. // Теория нейтрализации. –Тамбов: ТГПИ, 1980. –С.46-53.

⁶⁸ Булыгина Т.В. О нейтрализации семантических оппозиций. // Единицы разных уровней грамматического строя и их взаимодействие. –М.: Наука, 1969. –С.310-316.

⁶⁹ Журавлев В.К. Нейтрализация. // Языкознание. Большой энциклопедический словарь. –М.: Большая Российская энциклопедия, 1998. –С.328-329.; Журавлев В.К. К проблеме нейтрализации фонологических оппозиций.// ВЯ. – 1972. – №3. –С.36-49.

⁷⁰ Бельдиян В.М. Звуковая система современного русского языка и вопросы нейтрализации фонем: Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. –М., 1968. – 16 с.

A.A.Reformatsky⁷⁴, R.I.Avanesov⁷⁵, V.Kasevich⁷⁶, E.Krzhishkova⁷⁷, N.Gvishiani⁷⁸, V.Babaitseva⁷⁹, A.M.Mukhin⁸⁰, Y.V.Filimonova⁸¹, O.Denisova⁸², E.Sims⁸³, E.V.Krylova⁸⁴, V.G.Rudelev⁸⁵, E.A.Shipilova⁸⁶, I.K.Nosova⁸⁷, V.I.Petryankina⁸⁸, E.M.Popova⁸⁹, Y. V. Filimonova⁹⁰ conducted important studies.

In Uzbek linguistics, a number of studies related to the issue of linguistic opposition and neutralization have fulfilled. In particular, the works of A.Nurmonov, A.Abduazizov, S.Otamirzaeva, E.Umarov, D.Nabieva⁹¹ on the phonetics and phonology of the Uzbek language; about the morphemic level of the Uzbek language by Y.Tojiev, T.Mirzakulov⁹²; M.Mirtojiev, E.Begmatov, H.Nematov, R.Rasulov, A.Sobirov, Sh.Iskandarova, S.Muhamedova, G.Kabuljonova⁹³ on the lexical system of the language; A.Hojiev, J.Eltazarov,

⁷¹ Курилович Е. Лингвистика и теория знака. // Очерки по лингвистике. – М.: Иностранная литература, 1962. – 456 с.

⁷² Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М.: Наука, 1971. – 291 с.

